БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 137 (11.886)

Чоршанба, 14 июнь, 1961 йил

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЖАРҚУРҒОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Термизнефть» бошқармасига қарашли «Лалмикор» кони коллективи КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездига муносиб совға ҳозирламоқдалар. Улар нефть чиқариш ишларини юксак унум билан олиб боряптилар. 1961 йилнинг ўтган 5 ойи давомида пландан ошиқча юзлаб тонна нефть чиқарилди.

Кон ходимлари йиллик планни 17 октябргача бажариш учун ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

ТЕРМИЗ, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Коммунист ўртоқ Валентин Рузаев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ажойиб ишлари билан Термиз қурилиш бошқармасида ном қозонмоқда. Бу илғор бригада аъзолари ой сайин яхши натижаларга эришяптилар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли янги қурилаётган мактаб-интернат ётоқхонаси муддатидан анча олдин битказилди. Ҳозир бригада коллективи 18 квартирали уй-жой биносини қуришга киришдилар. Валентин Рузаев ва унинг ўртоқлари янги объектда ҳам ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

* * *

«Етти йилликнинг учинчи йилида 42 минг тонна оҳак ва 55 минг кубометр қурилиш тошлари етказиб берамиз!», — съезд олди вахтасида туриб, фидокорона меҳнат қилаётган Жиззах оҳак заводи коллективининг аҳди шундай.

Равшан Шарипов, Исроил Исмоилов, Володя Тулишев бошлиқ бригадалар мусобақа пешқадамларидир. Равшан Шарипов бригадасининг меҳнатсевар аъзолари кунига 30-34 тоннадан оҳак пишириб, топшириқни муттасил ошиғи билан бажаряпти.

ИЖРОНИ ТЕКШИРИШ— МУҲИМ ИШ

Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети халқ хўжалиги ва маданий қурилишга раҳбарлик методларини такомиллаштириш, барча ходимларда ўзларига топширилган иш учун шахсий масъулият ҳиссини орттириш, кадрларни ҳалоллик, юксак талабчанлик руҳида тарбиялаш масаласига ҳамиша зўр эътибор бериб келмоқда.

Совет кишилари КПСС XXI съезди кўрсатмалари ва Марказий Комитетнинг съездан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириб, етти йилликнинг янгидан-янги марраларини дадил эгалламоқда, ўзининг ижодий меҳнати билан коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этаётган ҳозирги пайтда бу масалалар яна ҳам катта аҳамият касб этади.

Совет халқи яқинда партия ва мамлакат ҳаётида юз берадиган катта воқеага — КПСС XXII съездига тайёрланмоқда. Ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва совет зиёлиларининг қалби жамиятимизнинг илҳомбахш, етакчи кучи бўлган шонли партиямиз съездини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳасида янги меҳнат ғалабалари ила нишонлаш туйғулари билан тўлиб тошган. Шунинг учун ҳам бепоён Ватанимизнинг ҳамма ерида меҳнат ғайрати жўш уриб, кун сайин авж олиб бормоқда. Коммунизм қуриш иши томмаъноси билан умумхалқ иши бўлиб қолмоқда.

Областлар, шаҳарлар, районлар, саноат корхоналари ва колхоз-совхозлар етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариб, коммунизм ғалабасини тезлатишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун партия олдида. Ватан олдида, бутун халқ олдида ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олаётирлар.

Шуни айтиш керакки, мажбуриятлар олиш ёки қарорлар қабул қилиш, бу, ишнинг бошланишигина холос. Ҳамма гап қабул қилинган қарорларни, ана шу мажбуриятларни изчиллик билан бажаришдадир. Бунинг учун беистисно ҳамма соҳада ва ҳамма ерда юқоридан қўйигача контролни кучайтириш, системали суратда ижрони текшириб бориш керак бўлади. Контроль ва ижрони текшириш эса ташкилотчилик ишининг муҳим соҳасидир. Бу, раҳбарлик методларини такомиллаштириш, ходимларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини ошириш, кадрларни соф-диллик, партия ва халқ ишига садоқат руҳида вояга етказишнинг муҳим шартидир.

Юксак талабчанлик ва қаттиқ контроль, мунтазам суратда ижрони текшириш яхши йўлга қўйилган жойда партия ва ҳукумат қарорлари ўз вақтида амалга оширилиб, муваффақиятлар қўлга киритилиши, интизом ва уюшқоқлик мустаҳкамланиши, кишиларнинг ижодий ташаббуси мавж уриши қонуний ҳолатдир. Аксинча, қаердаки бу нарсага етарли эътибор берилмаса, ўша жойда ишнинг барбод бўлиши, ходимларда топширилган иш учун шахсий масъулиятни сезиш ҳисси ўтмасланиб қолиши, кўзбўямачилик, лаганбардорлик вазияти содир бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ҳолбуки мамлакатимизда коммунистик қурилиши кенг авж олдирилган даврнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш партия ва давлат аппаратининг ҳамма звеносида, саноат тармоқлари ва колхоз-совхозларда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашни, қунт билан ижрони текшириб боришни тақозо этади.

Республикамиздаги кўпчилик область, шаҳар, район партия ва совет органлари қабул қилинган қарорлар ва олинган мажбуриятларни контроль қилиш ва ижрони текширишда ижобий натижаларга эришмоқдалар. Республикамиз пойтахтидаги Ленин район партия комитети шулар жумласидандир. Юқори органлар директиваларининг бажарилишини, ўз қарорларининг амалга оширилишини контроль остига олиш, ижрони текшириш ҳар доим район партия комитетининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Район партия комитети контроль ва ижрони текшириш, қуйи партия, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини чуқур таҳлил қилишда, юз берган камчиликларни ўз жойида бартараф қилишда доимо коммунистларга, активларга, штатсиз инструкторларга таянади.

Шу билан бирга баъзи партия ва совет органлари юқори ташкилотларнинг директивалари ёки ўзлари қабул қилган қарорларни амалга оширишга юзаки қараб келаётганликларини кўрсатувчи фактларнинг ҳозиргача мавжудлиги кўнгилсиз бир ҳолдир. Хоразм область партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган актив йиғилишида коммунистлар область партия комитети ва область ижроия комитети ижрони текшириш ишига етарли аҳамият бермаётганликларини қаттиқ танқид қилдилар.

— Область партия комитети ва область ижроия комитети, — деди ўз сўзида Гурлан район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Раҳимов. — сўнгги ойларда анчагина яхши қарорлар қабул қилдилар. Лекин афсуски, бу қарорларнинг кўпчилиги қоғоздагина қолиб кетмоқда. Масалан, область ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, қолоқ колхозларни мустаҳкамлаш ҳақида область партия комитети қабул қилган қарорлар бажарилмай қолиб кетди.

Ҳақли эътироз! Бундай аҳвол Фарғона областидаги баъзи район партия комитетлари фаолиятида ҳам тез-тез учраб туради. Куйбишев район партия комитети шу йил бошида «Партия XX съезди» колхозида оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш, аҳолига маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳақида катта қарор қабул қилди. Бироқ бу қарорда белгиланган ва аллақачонлар амалда оширилиши лозим бўлган конкрет тадбирлар ҳозиргача қоғозда қолиб келаётган бўлса-да, бу нарса район партия комитети бюросини ҳам, райком секретари ўртоқ Т. Охуновни ҳам мутлақо ташвишлантираётгани йўқ!

«Юқоридан қўйигача қаттиқ контроль ўрнатиш керак, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — **Бундай контроль қоғоздагина бўлмаслиги, балки ишни ўз ўрнида текширган ҳолда жонли, таъсирчан бўлиши лозим. Юқори партия ва совет органларининг қарорларини бажармайдиган ходимларни қаттиқ жазолаш керак. Контроль ва ижрони текширишдаги ҳамма ишларда коммунистларга, кенг меҳнаткашлар оммасига таяниш керак».**

Қабул қилинган қарорларнинг, белгиланган тадбирларнинг тўла бажарилиши учун кураш партия органларидан ташкилотчилик иши савиясини тобора юксалтиришни, кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишни тўғри ташкил этишни, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, амалий ишда ёрдам беришни, ходимларнинг ишига қабул қилинган қарорлар ёки олинган мажбуриятларнинг сонига қараб эмас, балки ишнинг натижасига қараб баҳо беришни талаб этади. Бунга эришиш учун партиявий иш методларини такомиллаштириш, барча ходимларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, қаттиқ контроль ўрнатиш ва системали суратда ижрони текшириб бориш зарур.

КПСС XXI съезди қарорида уқтириб ўтилганидек, **«Партия ташкилотларининг вазифаси — кадрларимизни, барча коммунистларни юксак талабчанлик руҳида, топширилган ишга жавобгарликни чуқур хис этиш руҳида, халқ ишига, коммунизм ишига сидқидил билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборат»**дир.

Илмий ходимларнинг Бутуниттифоқ кенгашига

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети илмий ходимларнинг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларини ва улар орқали ҳамма совет олимларини — совет халқ зиёлиларининг шонли отрядини қизғин табриклайдилар.

Илмий ходимларнинг Бутуниттифоқ кенгаши КПСС XXII съезди арафасида, коммунизм қурилишини кенг авж олдириш улуғвор программасини муваффақиятли амалга ошираётган совет халқининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ғоят ўсган вазиятда ўтмоқда.

Бу программани амалга оширишда мамлакат халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ажойиб кашфиётлари ва ютуқлари билан Ватанимиз шуҳратини оширган совет олимлари фахрли роль ўйнайдилар.

Коммунизм мустаҳкам илмий асосда, табиат ва жамият ривожининг объектив қонунларини чуқур билиш асосида қурилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партия, ҳукумат, бутун халқ фанга алоҳида эътибор бермоқдалар. Социалистик жамиятда фанни ривожлантириш тарихда биринчи марта энг муҳим умумдавлат вазифаси даражасига кўтарилди.

Бизнинг халқимиз жаҳонга кўпгина улуғ олимларни етиштириб берди. Ломоносов, Лобачевский, Менделеев, Попов, Павлов, Тимирязев, Мичурин, Циолковский ва бошқалар фан чўққиларига эришдилар. Уларнинг олижаноб ғоялари эксплуататор синфларнинг жаҳолати ва гаразгўйлиги натижасида вужудга келтирилган минғларча ғовлардан ўтиб, тараққиётга йўл очди. Фақат социалистик тузум шароитида илмий фикр ўзининг ривожланиши учун чексиз имкониятларга эга бўлди. Фан жамиятни революцион асосда ўзгартириш қуролига, озодликка чиққан инсоннинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш қуролига айланди. Социализм фани инсониятнинг энг юксак гуманистик идеалларига хизмат қилдирмоқда, унинг ўсиши ва равнақи учун ҳамма шарт-шароитни вужудга келтирди.

Олимлар халқнинг улуғ муҳаббати ва ҳурматига фидокорона ижодий меҳнат қилиш, Ватанга астойдил хизмат қилиш билан жавоб бермоқдалар. Фан ва техникамизнинг халқимиз ижодий генийси ва меҳнатсеварлигининг ажойиб ғалабаларини эндиликда бутун дунё кўриб турибди ва эътироф этмоқда. Совет фани билимларнинг энг муҳим соҳаларида олдинги позицияларни эгаллади. Совет Иттифоқи олимлари атом энергиясини тинч мақсадларда қўлланиш, ер сунъий йўлдошларини, космик ракеталарни ва планеталараро кемаларни яратиш ва учириш проблемаларини биринчи бўлиб ҳал этдилар.

Инсоннинг космосга учганлиги Ватанимиз илмий техника фикрининг буюк ғалабасидир. Бу учишни СССР граждани коммунист Ю. А. Гагарин «Восток» йўлдош кемасида амалга оширди. Олимлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар коллективининг қаҳрамонона ғайрати билан тайёрланган бу ажойиб сафар инсон ақл-идрокининг буюк ғалабасини нишонлайди, цивилизация тарихида янги саҳифа очади.

Коммунистик партия, ҳукумат, бутун халқимиз совет фанининг ғалабаларига юксак баҳо бермоқдалар.

Мамлакат коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш программасини амалга ошираётган ҳозирги вақтда фан ва техниканинг роли ва аҳамияти янада ўсмоқда. Совет фани ва техникаси энг қисқа муддат ичида ҳамма асосий соҳаларда жаҳонда олдинги позицияларни эгаллаши лозим.

Фан муваффақиятлари коммунизм сари ҳаракатимиз суръатларини кўп даражада белгилаб беради, чунки фан мамлакат халқ хўжалигига ҳозирги куннинг вазифаларини ҳал этишда ёрдам бериш билангина қолмай, шу билан бирга, ўзининг назарий тадқиқотлари билан эртанги кунга йўл очиб бериши, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунларини чуқурроқ ва тўлароқ билиб олиши ва уларни одамларга хизмат қилдириши, халқ хўжалигини янада зўр куч билан юксалтириш учун табиий бойликлардан кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиши, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириши лозим.

Ҳозирги шароитда ижодий тадқиқотларнинг физика, кимё, математика, биология, техника ва бошқа фанлар соҳасидаги энг муҳим илмий проблемаларга қаратилиши алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки бу проблемаларни ҳал этмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

Халқ ўз олимларидан фан ва практиканы бойитадиган, халқ хўжалигида техниканинг янада гараққий этишини, янги энергия манбаларидан фойдаланишни, юқори унумли машиналар, приборлар ва ускуналарнинг, янги материаллар ва технология процессларининг вужудга келтирилишини, меҳнатнинг кенг равишда механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилишини таъминлайдиган янги тадқиқотларни кутмоқда.

Совет халқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтириш учун курашаётган ҳозирги шароитда фан социалистик қишлоқ хўжалигида рўй бераётган янги процессларни чуқур ўрганиши, илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибасини умумлаштириши ва ёйиши, хўжаликни бошқаришнинг энг самарали ва рационал усулларини илмий асосда ишлаб чиқиши лозим.

Жамиятнинг ривожланиши ва унинг коммунизм сари ҳаракат қилиши қонунларини, икки жаҳон системасининг тарихий мусобақаси проблемаларини халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг халқларнинг мустамлакачилик зулмига қарши олиб бораётган миллий озодлик курашини ўрганувчи ижтимоий фанлар катта аҳамиятга эгадир.

Олимлар маданий қурилишда, сиёсий ва илмий билимларни тарқатишда, коммунистик давр кишисини шакллантиришда, буржуа идеологиясига қарши, марксча-ленинча дунёқарашнинг тантанаси учун курашда актив иштирок этишлари лозим.

Энг катта илмий ютуқларни амалга ошириш учун фан техника билан, ишлаб чиқариш билан жуда маҳкам боғланган бўлиши ва ўзаро таъсир кўрсатиши зарур. Олимлар билан бирга юз минглаб практик мутахассислар: инженерлар, техниклар, ишчилар ва колхозчилар — ишлаб чиқариш новаторлари ҳам фанни ривожлантирмоқдалар. Фаннинг халқ ижодий меҳнати билан ана шундай чамбарчас боғланганлиги, — эришилган муваффақиятларнинг асосидир ва янги муваффақиятларининг гаровидир.

Турмуш билан ҳамнафас бўлган, халқ ижодкорлигининг битмас-туганмас манбаларидан илҳом оладиган, халққа фидокорона хизмат қиладиган фангина истиқболга эга бўлади. Ўз ютуқларини диалектик материализм методига асословчи, догматизмга ва турғунликка ёт бўлган, социалистик гуманизмнинг ҳаётбахш ғоялари билан суғорилган бизнинг совет фанимиз ана шундай фандир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатимизнинг илмий ходимлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлайдилар ҳамда Ватан фани ва техникасини янги катта ютуқлар ва кашфиётлар билан бойитадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети илмий ходимларга, фан ва техника новаторларига уларнинг социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик, мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлидаги фаолиятларида катта муваффақиятлар тилайдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Тинчлик ва дўстлик учун

МОСКВА, 12 июнь. (ТАСС). Матбуотда эълон қилиш учун берилган Совет-Индонезия Қўшма Ахборотида айтиладики, СССР Олий Совети Президиумининг ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, 5 июндан 12 июнга қадар Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Индонезия Республикасининг Президенти ва Бош министри доктор Сукарно СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва бошқа совет давлат арбоблари билан учрашди ва суҳбатлашди.

Чин самимият ва дўстлик, тўла ҳамжиҳатлик ва ҳурматлаш вазиятида ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида Совет Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни ва ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари устида, шунингдек ҳозирги халқаро аҳвол масалалари устида фикрлашиб олинди.

Бундан ташқари, Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Президент Сукарно билан муҳим халқаро масалалар устида махсус суҳбатлашди.

СССР ҳукумати ва Индонезия Республикаси ҳукумати мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳозирги вақтда жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар томонидан давлатлар ўртасидаги муносабатлар учун реал негиз сифатида эътироф қилинган тинч-тотув яшаш принципларига асосида муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда.

Ҳар иккала ҳукумат ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда инсониятнинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлида ривожланишини жадаллаштиришга кўмаклашишни ўзларига олий мақсад деб ҳисоблайдилар. Улар халқаро вазиятни соғломлаштирмоқ, давлатлар ўртасида кўпроқ ҳамжиҳатликка ва ҳамкорликни кенгайтиришга эришмоқ учун бундан буён ҳам қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришга ғайёр эканликларини билдирдилар.

Ахборотда айтиладики, ҳар иккала ҳукумат қаттиқ ва самарали халқаро контроль ўрнатилгани ҳолда ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳозирги замоннинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган проблемасидир, деб яқдиллик билан ҳисоблайдилар. Ҳар иккала давлатнинг раҳбарлари ҳамма формалардаги ва кўринишлардаги мустамлакачиликни ва империализмни қатъиян қоралайдилар ва мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қабул қилинган Декларация хеч бир кечиктирилмай амалга оширилиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Улар ҳозир Женевада бўлаётган 14 давлат конференциясининг барча катнашчилари бутун халқ қўллаб-қувватлайдиган ҳукумат раҳбарлигида яхлит Лаос давлатининг суверенитетини, мустақиллигини ва бетарафлигини таъминлайдиган битимга келмоқ учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб умид қиладилар.

Индонезия ҳукумати ва Совет Иттифоқи ҳукумати, — дейилади сўнгра Ахборотда, — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги кучларнинг ҳозирги нисбатига мувофиқ келмай қолди, деб яқдиллик билан ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан ҳар иккала томон яна бир марта шуни таъкидлаб ўтдиларки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасига қонуний жой берилиши бу ташкилотнинг обрўйини ва маънавий кучларини тиклашга, ҳеч шубҳасиз, ёрдам беради.

Томонлар иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида Совет Иттифоқи билан Индонезия ўртасида тузилган иккита асосий битимларнинг бажарилаётганлигидан, шунингдек маданий алоқаларнинг кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан ўзларининг мамнун эканликларини изҳор қилдилар.

Ҳар иккала томон сиёсий иқтисодий ва маданий соҳаларда СССР билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашиш истагида эканликларини изҳор қилдилар.

Президент Сукарнонинг Совет Иттифоқига қилган муваффақиятли визити совет ва индонез халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган янги муҳим қадамдир.

Совет Иттифоқи ва Индонезия Республикаси бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқлар эркинлиги ва бахтиёрлиги идеалларининг ғалабаси учун биргаликда қураишига ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини яна бир марта тантанали равишда билдирадилар.

Польша Бирлашган ишчи партияси партия ходимлари делегацияси Москвага келди

КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Э. Охаб бошчилигидаги Польша Бирлашган ишчи партияси партия ходимлари делегацияси 12 июнда Москвага келди.

Польша Бирлашган ишчи партияси партия ходимлари делегацияси СССР да коммунистик қурилишнинг турли соҳаларида КПСС партия ташкилотларининг иши билан танишадилар.

Чоржўй—Қўнғирот магистрали қурувчиларига мукофотлар топширилди

12 июнда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Кичик мажлислар залида Чоржўй — Қўнғирот темир йўли қурувчиларининг катта группасига тантанали вазиятда ҳукумат мукофотлари топширилди.

Мукофотланганларга орден ва медалларни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова топширди.

Мукофотланганлар номидан «Средазтранссторой» трестининг бошлиғи М. С. Барановский, бетончи Р. Кенжаев. «Средазтранссторой» трестининг бўлим бошлиғи Н. В. Родионов, дрезина ҳайдовчиси Д. Маметов ва қурилишнинг собиқ прорабн С. С. Саржевскийлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун, қўлат магистралларнинг қурувчиларига тинмай гамхўрлик қилинаётганлиги учун жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига қизғин ташаккур айтдилар. Улар ўз ўртоқларининг фикрини ифодалаб, КПСС XXII съездини меҳнат соҳасида янги ғалабалар билан қутиб олишга ваъда бердилар.

Е. С. Насриддинова нутқ сўзлаб, мукофотланганларни самимий табриклади ҳамда уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашда муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

ҲУЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

* * *

Туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан ва кўп йиллик самарали иши учун Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг «Узгипроводхоз» лойиҳа институти директори Нуриддин Алиевич **Алиев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан ҳамда давлат хавфсизлиги органларида кўп йиллик самарали хизматини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари Қурбон **Рўзметов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ДОКТОР СУКАРНО МОСКВАДА

МОСКВА, 12 июнь. (ТАСС). Индонезия Республикаси Президенти ва Бош министри доктор Сукарно ва Индонезиянинг бошқа давлат арбоблари бугун «Мосфильм» киностудиясида бўлдилар. Ҳурматли меҳмон янги фильмларнинг қандай суратга олинишини кузатиб турди. Сўнгра доктор Сукарнога «Оловли йиллар қиссаси» деган совет картинасидан парчалар кўрсатилди.

Президент Сукарно совет киноартистлари ва режиссёрлари билан суҳбатлашди.

* * *

Индонезия Республикаси Президенти ва Бош министри доктор Сукарно бугун «Арбатская» метро станциясида бўлди. Президент Сукарно В. И. Ленин номидаги метрополитен ходимларига муваффақиятлар тилади.

Президент Сукарно ва Индонезия Республикасининг унга ҳамроҳ бўлган бошқа давлат арбоблари борган ҳамма жойда москвaликлар уларни самимий табрикладилар.

Индонезия Президенти ва Бош министри доктор Сукарно Москвадан жўнаб кетди

МОСКВА, 12 июнь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан давлат визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Индонезия Республикаси Президенти ва Бош министри доктор Сукарно бугун махсус самолётда Москвадан Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Внуково аэродромида доктор Сукарнони ва унинг ҳамроҳларини Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов, Г. И. Воронов ўртоқлар ҳукумат ложаларига чиқиб келганларида залдагилар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Аэродромда Л. И. Брежнев ва доктор Сукарно нутқ сўзладилар.

ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

Илмий ходимларнинг Кремлдаги Бутуниттифоқ кенгашида

МОСКВА, 12 июнь. (ТАСС). Партия бизнинг фанимиз олдига янгидан-янги ва тобора улуғвор вазифалар қўймоқда. Бу вазифалар кўп минг кишилик барча совет олимлари коллективининг кучларини сафарбар қилишни талаб этади. Шу сабабли, илмий ходимларнинг бугун Катта Кремль саройида очилган Бутуниттифоқ кенгаши улуғ Ватанимизнинг ҳамма томонидаги илмий-техника жамоатчилигининг эътиборини жалб қилмоқда. Сибирь ва Ўрта Осиё, Заполярье ва Узоқ Шарқ мамлакатнинг ҳамма республикалари вакил қилиб юборган олимлар тадқиқот ишларини яна қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш, партия XXII съездини янги ватанпарварлик ишлари билан қандай қилиб қутиб олиш тўғрисидаги ўз истак ва орзуларини кенгашда айтмоқ учун Москвага келдилар.

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройининг мажлислар зали кенгаш қатнашчилари ва меҳмонлари бўлган икки ярим мингдан кўпроқ киши билан лиқ тўлди. Булар орасида фан ва техниканинг ҳамма соҳаси вакиллари бор.

Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов, Г. И. Воронов ўртоқлар ҳукумат ложаларига чиқиб келганларида залдагилар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг топширигига биноан кенгашни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг раиси К. Н. Руднев очади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ватанимизни социалистик қайта қуришнинг ҳамма босқичларида фан ва техникани ривожлантиришга умумдавлат миқёсида, биринчи даражада аҳамият бериб келганлиги, — деди ўртоқ Руднев, — экономика ва маданият соҳасида халқимиз қўлга киритган ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездига тортиқ қилаётган жуда катта муваффақиятларда ғоят зўр роль ўйнади.

Партиямиз Марказий Комитетининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама кенгайтириш ва кучайтириш тўғрисида доимий қилиб келаётган оталарча ғамхўрлиги илм-фаннинг барча энг асосий соҳаларида совет фани биринчи ўринни олиши учун ғоят қулай шароит вужудга келтирди.

Энергетика, машинасозлик, металлургия, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, космик фазони забт этиш ва тадқиқ қилиш соҳаларидаги ҳамда илм-фаннинг бошқа соҳаларидаги жуда кўп илмий-техника проблемалари муваффақиятли равишда ҳал қилинганлиги Совет Иттифоқининг жаҳон фанида етакчи ўрин олишини таъминлади.

Экономикани ривожлантириш ва халқ турмушини яхшилаш чоралари тўғрисида яқинда қабул қилинган қарор партия ва ҳукумат социалистик тузумнинг афзалликларидан фан ва техникани ривожлантиришда янада кенг миқёсда ва ҳар томонлама фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини жуда очик ва равшан уқтириб ўтди.

Академик М. А. Лаврентьевнинг таклифига биноан, Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Президиуми зўр қўтаринкилик билан кенгашнинг фахрий президиумига сайланади.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Р. Козлов КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кенгашга ёзган табригини ўқиб беради. Бу табрик зўр эътибор билан тингланади.

Табрикда фан ва техникамизнинг муваффақиятларига юксак баҳо берилган ҳамда совет олимлари улуғ мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун фан ва техникани янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар деб, ишонч билдирилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот ишларини координациялашни ва СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори муносабати билан илмий муассасаларнинг ишларини қайта қуриш тўғрисида доклад қилмоқ учун СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдишга сўз берилади.

Фан ходимларининг биринчи Бутуниттифоқ кенгаши, — дейди М. В. Келдиш, — халқимиз КПСС нинг яқинлашиб келаётган XXII съездини коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги ғалабалар билан қутиб олаётган кунларда очилди.

Фан Совет давлатини ривожлантиришдаги жуда муҳим факторлардан бири бўлиб қолди. Партия саноат, қишлоқ хўжалиги, медицина ва бошқа соҳалардаги тараққиёт йўлини фан ёритиб туриши лозим, деб ҳамиша кўрсатиб келмоқда.

(Охири иккинчи бетда).

ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

(Боши биринчи бетда).

Маълумки, илмий-тадқиқотлар халқ хўжалигини ривожлантиришда кўп марталаб ҳал қилувчи силжишларга, фаннинг янги тармоқларини яратишга олиб келди. М. В. Келдиш буни конкрет мисоллар билан кўрсатиб беради.

Атом ядросини тадқиқот қилиш экспериментлари кенг равишда ўтказилганлиги ва назарий физикага доир ишларнинг юксак савияда олиб борилганлиги, академик И. В. Курчатов бошчилигидаги олимларнинг фидокорона меҳнати туфайли Совет Иттифоқида атом саноатини вужудга келтириш ишига жуда катта ҳисса қўшилди.

Н. Е. Жуковский ва С. А. Чаплигин қанотнинг кўтариш кучини ҳосил қилиш қонунларини кашф қилганликлари фаннинг етакчи ролини кўрсатувчи ажойиб намунадир. Учиш тезликлари тобора ошаётган ҳолда, аэродинамика соҳасида ўтказилган тадқиқотлар совет авиациясини ривожлантиришда конструкторларимизнинг ажойиб ишлари билан бир қаторда етакчи роль ўйнади.

Сўнгра докладчи математика, механика, радиоэлектроника соҳасида ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга ёрдам берган тадқиқотлар тўғрисида гапириб, совет геология, кимё ва биология фанларининг муваффақиятларига тўхталади.

Атом ядросининг энергиясидан фойдаланишда, ракета техникасини ривожлантиришда ва космик фазони тадқиқ қилишда, — дейди академик, — совет фани ва саноатининг муваффақиятлари айниқса яққол намоён бўлди. Ҳозирги замон фани ва техникасининг мана шу энг илғор соҳаларида Совет Иттифоқи жаҳонда етакчи ўринни олди. Совет космонавт-учувчиси Ю. А. Гагарин инсоният тарихида биринчи бўлиб, «Восток» номли ажойиб совет йўлдош кемасида космосга зўр ғалаба билан учиб, Ер атрофини айланиб чиқди. Бу учиш инсонга космос йўлини ва Қуёш системасининг планеталарига борадиган йўлни очиб берди.

Коммунистик қурилиш авж олдирилган ҳозирги даврда партия совет фани ва техникаси олдига ҳал қилувчи соҳаларнинг ҳаммасида жаҳонда олдинги позицияларни эгаллашдан иборат масъулиятли вазифа қўйди. Бу вазифа мамлакатдаги барча илмий-тадқиқот ишларининг савиясини кескин равишда оширишни ва бу ишларни ташкил этиш формаларини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу вазифа янги ташкил этилган Давлат комитети — СССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети фаолиятининг асосий мазмуни бўлиб қолиши лозим.

Докладчи мамлакатдаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишдаги ва бу ишларнинг натижаларини саноатга жорий қилишдаги камчиликларни бир қанча мисоллар билан кўрсатиб берди.

М. В. Келдиш СССР Фанлар академиясининг ишини анализ қилиб айтдики, тармоқ институтлари бошқармалар ихтиёрига ўтказилганлиги академиянинг фаолиятини яхшилашга ёрдам беради ва у ўзининг куч ва ғайратини фаннинг етакчи тармоқларини ривожлантиришга сарфлаш имкониятини беради. Бу эса, жумладан, бошқарув процесслари тўғрисидаги фан-кибернетика соҳасидаги ишларнинг ҳажмини кенгайтиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатдаги илмий-тадқиқот ишларини координациялашни ва СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори, — деди академик, — саноатдаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини, мамлакатдаги барча илмий-тадқиқотларни тубдан яхшиламоқ учун шарт-шароит вужудга келтирди.

СССР Министрлар Советининг Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети тузилганлиги илмий муассасаларнинг куч ва ғайратини катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган асосий илмий проблемаларини ҳал қилишга сарфлашга, совет фани ва техникасининг янги ва муҳим йўналишларини ташкил этишга имкон беради.

Илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва координациялаш — бу ишларни ташкил этишда белгиловчи фактордир. Етакчи проблемаларни тўғри белгилаб бериш муваффақият козонишнинг энг муҳим шартидирки, бутун куч ва маблағ биринчи навбатда шу проблемаларни ҳал қилишга сарфланиши лозим. Докладчининг фикрича, шу проблемалар бўйича ягона давлат плани тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу план ун бўлимдан иборат бўлиб, тажриба-конструкторлик ишлари босқичида турган йирик халқ хўжалик проблемаларини, халқ хўжалигининг аниқланиб қолган проблемаларини ҳал қилишга қаратилган перспектив илмий-тадқиқотларни, табиатнинг қонуниятларини очишга қаратилган, тараққиётнинг янги йўналишларини очиб берадиган қидириш ишларини ўз ичига олиши лозим.

Бутун халқ хўжалик организмининг тўғри равишда ривожланиши учун, маълумки, оғир саноатнинг ўсиши халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлаб бериши зарур, — деди М. В. Келдиш. Янги тарихий босқичда, капиталистик система билан иқтисодий мусобақанинг ҳал қилувчи палласида яна шу нарса ҳам зарурки, бизнинг техникамиз оғир саноатнинг ўсишига қараганда тезроқ ривожланиб бориши, техника тараққиётининг принципиал янгисини вужудга келтирувчи ва энг чуқур техникавий идеяларнинг асосий манбаи бўлган табиатни фанлари эса, техниканинг ривожланиш суръатларидан олдинда бориши лозим. Илмий-тадқиқот ишларининг давлат планини тузаётган вақтда ана шуни ҳисобга олиш зарур. Совет давлати саноат соҳасида унинг ҳал қилувчи участкаларига куч ва ғайрат тўплаш билан бир қаторда, саноатнинг умумий даражасини ҳам кўтармоқда. Фан соҳасида ҳам шундай қилиниши лозим: амалий фойдаланиш имкониятлари маълум бўлиб қолган етакчи проблемаларга куч ва ғайратни тўплаш билан бир қаторда, илмий-тадқиқотларнинг ҳамма соҳасини ҳам ривожлантиришни таъминлаб туриш зарур.

Янги комитет бир неча бошқармалар ўртасида ҳал қилинаётган энг йирик проблемаларни координациялашнинг таъсирчан формаларини таъминлаб бериши лозим. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, проблемаларнинг кўп қисмига доир координациялаш ишлари ихтисослаштирилган давлат комитеталарига, министрликларга ва бошқармаларга, айрим ҳолларда эса, координациялаш комитетининг умумий назорати остида йирик бош институтларга топшириладн. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, бир қанча перспектив илмий-техника ва қидириш проблемаларига доир координациялаш ишлари Фанлар академиясига юклатилиши лозим.

Координациялаш давлат комитети, СССР Фанлар академияси, бошқа бошқармалар ва бош институтларнинг проблемалар бўйича илмий кенгашларига катта аҳамият берилади. Илмий-тадқиқотларни координациялашнинг жамоат формаларини бутун чоралар билан ривожлантириш керак. Илмий муассасаларнинг шохобчаларини такомиллаштириш давлат комитетининг масъулиятли вазифасидир.

Сўнгра М. В. Келдиш давом қилиб айтдики, СССР Фанлар академиясига табиёт фанлари ва гуманитар фанлар соҳасидаги йирик назарий проблемаларга доир илмий-тадқиқотлар ўтказиш, иттифоқчи республикаларнинг Фанлар академиялари ва олий ўқув юртлари шу соҳаларда ўтказаётган тадқиқотларга методик раҳбарлик қилиб туриш ва бу тадқиқотларни координациялаш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, давлат комитетининг асосий илмий-техника проблемалари бўйича кенгашлари олиб бораётган ишларда академия актив қатнашуви лозим.

Докладнинг навбатдаги қисми фаннинг асосий вазифаларини таъсирчан бажаришга багишланди. Академик дедики, Совет ҳокимияти барпо бўлган кундан бошлаб социалистик қурилишнинг бутун программасида мамлакатни ёппасига электрлаштиришдан иборат жуда катта вазифа марказий ўрин олиб келмоқда. Бу вазифани ҳал қилишдаги муваффақият биринчи навбатда, электр энергиясининг энг тежамли манбаларидан фойдаланиш, энергининг турли турларини электр энергиясига айлантиришнинг энг самарали методларини вужудга келтириш билан белгиланади.

Машинасозликда икки асосий йўл бор. Биринчи йўл — поток усулида ишлаб чиқаришни ва иш жараёнларини автоматик бошқариб туриш имкониятини таъминлаб берадиган машиналар комплексини вужудга келтириш йўлидир. Иккинчи йўл — кучланиш жуда зўр бўлган шароитда ишлайдиган, масалан, газ турбиналари, авиацион двигателлар ва биринчи навбатда ракета двигателлари синтари агрегатлар вужудга келтириш йўлидир.

Меҳнат унумдорлигини энг юксак даражага етказиш янги ижтимоий тузумнинг галабасини таъминловчи энг муҳим шартларнинг биридир. Автоматлаштиришни, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришни кенг ривожлантириш бу мақсадга эришишнинг асосий воситасидир. Шу билан бир қаторда, ақлий меҳнатнинг мантиқий ва математик операциялар тарзида ифодаланиши мумкин бўлган хилма-хил формаларини автоматлаштириш тобора катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Планлаштириш ва ҳисобга олиш, жуда катта ҳисоблаш ишларини бажариш, лойиҳалаш, турли информацияларни ишлаб чиқишнинг баъзи масалалари сингари соҳалар шулар жумласидандир. Автоматик бошқарув процесслари назарияси фаннинг энг муҳим янги соҳаси — кибернетиканинг бош йўлидир.

Жуда тез ҳисоблаб берадиган электрон машиналар вужудга келтирганлиги автоматлаштириш соҳасида кенг имкониятлар очиб берди. Шундай машиналарни қўриш принципларини ривожлантириш ва уларни тағин ҳам тез ишлайдиган қилиш автоматлаштириш қўлланиладиган соҳаларни кенгайтирмоқ учун ғоят муҳимдир.

Радиотехника ва электроника бошқариш процесслариии амалга оширишнинг ва алоқа вазифаларини ҳал қилишнинг асосидир. Касаллик туғдирувчи жараёнлар диагностикасининг ва касалликни даволашнинг қудратли методлари радиоэлектроникага асосланиб вужудга келтирилмоқда.

Янги элементлар, асбоблар ва системалар яратиш соҳасида электроника, физика ва кимё фанлари олдида ғоят катта вазифалар турибди. Чала ўтказгичларнинг ва диэлектрикларнинг молекуляр ва атом ҳодисаларининг янги хоссаларидан вақтни аниқ ўлчамоқ учун фойдаланиш, кристалларнинг янги хоссаларидан фойдаланиш ва бошқа шу сингари кўп нарсалар мана шундай катта вазифалар жумласига киради. Электрик плазмадаги ҳодисаларни чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш радиофизиканинг муҳим бўлимидир.

Электрон аппаратларни кичрайтириш, яъни миниатюралаш деб аталган вазифа—электроника соҳасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиши лозим.

Бошқарув процесслари назариясини, аппаратларнинг мантиқий схемаларини қуриш, электрон ва параторларни жуда ҳам аниқ ишлайдиган қилиш назариясини, информация назариясини ва бу назарияларнинг ҳамма жиҳатларини ривожлантириш соҳасида математикларнинг ишларини анча кенгайтириш керак. Бу янги соҳалар математик мантиқ билан ва эҳтимоллик назарияси билан чамбарчас боғланган. Ҳисоблаш машиналари математика методларини физика, кимё, техника, экономика, биология фанларида ва ҳатто тилшунослик соҳаларида қўлланишни кенгайтирмоқ учун чексиз имкониятлар очади. Бу фанларни аниқ фанлар деб аталган фанларга айлантиришга ёрдам беради. Назарий математика методларини ривожлантириш бизнинг замонамизда тағин ҳам катта аҳамият касб қилмоқда.

Радиоэлектроникада квант генераторлар, чала ўтказгичли асбоблар вужудга келтирилганлиги қаттиқ жисм физикасига доир чуқур тадқиқотларнинг ривожланиши натижасида эришилган тубли муваффақиятлардир.

Металлургиянинг ҳозирги вақтдаги вазифаси шуки, у металлар олишнинг янги иқтисодий манфаатли процессларини ишлаб чиқиши, металларни рудалардан ажратиб олиш процесларини жадаллаштириши ва автоматлаштириши ҳамда алоҳида соф металлар олиш методларини ривожлантириши лозим.

Кимё халқ хўжалигида жуда катта роль ўйнамоқда. Хомашёнинг арзон турларини қидириб топиш, янги содда ва тежамли технология процесларини вужудга келтириш, ниҳоят даражада тоза ва сифатли маҳсулот олинишини таъминлайдиган, тўла равишда автоматлаштирилган ишлаб чиқариш схемаларини ишлаб чиқиш керак.

Физиологик таъсири актив бўлган дори-дармонлар ҳосил қилиш, ўсимликларнинг зараркунанда ҳашаротлари ва касалликлари билан кураш воситаларини ҳосил қилиш, гербицидлар, ўстирувчи моддалар ва мураккаб структурали бошқа моддалар ҳосил қилиш мақсадида моддаларни усталик билан органик синтез қилиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш жуда муҳимдир.

Биринчи навбатда, чала ўтказгичлар техникаси ва медицина учун зарур бўлган ниҳоят даражада соф моддалар ҳосил қилиш ҳозирги вақтда кимё соҳасидаги энг муҳим вазифалариир биридир.

Биология фанининг қишлоқ хўжалик ва медицина практикаси билан алоқасини кучайтириш зарур.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Коммунистик партия қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турларини етиштиришни мамлакатда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилиш ва саноат учун хомашёни зарур миқдорда вужудга келтиришга имкон берадиган даражага етказишни муҳим вазифа қилиб қўйди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ва чорва зотларининг янги сермаҳсул навларини етиштириш, тупроқни ишлашнинг ва экинларни парвариш қилишнинг энг самарали системасини қўлланиш, ўғитлашнинг ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олишнинг рационал системаларидан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг мамлакатдаги табиий-иқтисодий зоналар учун энг кўп фойда етказадиган системасини жорий қилиш қишлоқ хўжалик фани олдида турган биринчи навбатдаги вазифалардир.

М. В. Келдиш бир қанча касалликларни самарали даволаш ва шу касалликларнинг олдини олиш учун керакли методлар ва воситаларни қидириб топиш тўғрисида гапиради.

Сўнгра. СССР Фанлар академиясининг президенти уқтириб айтдики, ҳозирги вақтда Коинот ва Ер тўғрисидаги фанлар жуда тез ривожланмоқда. Совет сунъий йўлдошлари ва космик ракеталарининг учишлари Ер атрофидаги фазонинг физик хусусиятларини, космоснинг узоқ соҳаларини ва Қуёш системасининг бизга яқин планеталарини ўрганиш соҳасида бутунлай янги имкониятлар очиб берди.

Инсоннинг космоса чиқиши мумкин бўлиб қолганлиги коинотни Ердаги воситалар билан ўрганишни тағин ҳам муҳимроқ иш қилиб қўяди. Астрофизика, жумладан, Қуёш ва юлдузлар физикаси, юлдузлар ичида ўтаётган термоядро процесларини ўрганади, шунингдек коинотдаги «доимий бўлмаган» жуда зўр процесларни (космоса рўй бераётган гигант ловуллашлар ва портлашларни) тадқиқ қилиш билан шуғулланади, чунки ўтаюкан энергиялар заррачаларининг катта оқимлари мана шундай процесслар вақтида пайдо бўлади.

Совет геологиясининг вазифаси шуки, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини, бу суръатлар рангли ва қора металлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни, нефть ва газ чиқаришни кескин равишда оширишни талаб қилаётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатни мустаҳкам минерал ҳомашё базаси билан таъминлаши лозим. Ер юзасидан анча чуқур қатламлардаги минерал ресурсларни топиш ва ўзлаштириш учун янги илмий усуллар вужудга келтириш керак.

Океанни билиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш ҳам яқин йиллар ичида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифадир.

Коммунизм қуриш. коммунистик жамият кишисини тарбиялаш, миллий маданиятларнинг равнақ топиши ва миллатларнинг яқинлашуви билан боғлиқ бўлган проблемаларни ишлаб чиқиш, шунингдек этика масалаларини ишлаб чиқиш, коммунистик дунёқарашни ривожлантириш ва пропаганда қилиш, буржуа идеологияси билан, реформизм ва ревизионизм билан кураш — ижтимоий фанлар соҳасида ва жумладан, фалсафа соҳасида олдимизда турган вазифалардандир.

Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида уқтириб ўтганидек, марксизм назариясининг иқтисодий жиҳати коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида биринчи ўринни олмоқда. Экономист олимлар олдида Совет Иттифоқининг ва жаҳон социализм системасидаги бошқа мамлакатларнинг жуда бой тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштириб, шу асосда социализм сиёсий иқтисодининг проблемаларини назарий ишлаб чиқиш, шунингдек коммунистик қурилишнинг қонуниятларини тадқиқ қилиш вазифаси турибди. Шу билан бир вақтда, социалистик давлатда халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш принципларини такомиллаштиришга етарли эътибор берилиши лозим.

Бундан ташқари, капитал маблағларнинг ва янги техниканинг иқтисодий самарасини ошириш соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш ва кучайтириш зарур.

Капитализм умумий кризисининг ва мустамлакачилик системаси агдарилаётганлигининг проблемаларини, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларни ривожлантириш йўлларини, шу мамлакатлар билан СССРнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ қилишни бутун чоралар билан кучайтириш, шунингдек жаҳон социалистик системаси билан жаҳон капиталистик системасининг мусобақаси ва тотув яшаш масалаларини кенг тадқиқ қилиш зарур.

Академик М. В. Келдиш докладининг охирида уқтириб айтдики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатдаги илмий-тадқиқот ишларини координациялашни ва СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорида кўзда тутилган тадбирлар илмий муассасаларимизнинг мамлакат техникасини тараққий эттиришда ҳал қилувчи муваффақиятларга эришмоқ учун, мамлакатимиз маданиятини янада ривожлантирмоқ учун, ҳамма соҳаларда фанимизнинг жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олиши учун бутун куч ва воситалардан энг самарали фойдаланишларига имкон беради.

Академик М. В. Келдиш докладидан кейин музокаралар бошланди. Сўзга чиққан олимлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори асосида мамлакатдаги тадқиқот ишларини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари тўғрисида жон куйдириб гапирдилар. илмий-тадқиқот муассасаларининг ишларида ва уларнинг фаолиятини координациялашда рўй берган камчиликларни очиб ташладилар.

Академик Л. А. Арцимович ҳозирги замон физика фанининг истиқболи энг катта соҳалари ҳақида гапириб, шу соҳаларни ривожлантириш техникани революционлаштира олади, деди.

Ленинград университетининг ректори А. Д. Александров олий ўқув юртларида ёш кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш, бу ишни илмий-техника тараққиётининг ҳозирги талаблари даражасига кўтариш зарурлиги ҳақида гапирди.

Қора металлургия марказий илмий-тадқиқот институтининг директори И. Н. Голиков ва нефть геологияси Ленинград Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг директори С. Н. Симаков ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда, янги технология процесларини ишлаб чиқишда олимлар билан инженерларнинг самарали ҳамкорлиги ҳақида гапирдилар

Қозогистон ССР Фанлар академиясининг президенти Қ. И. Сатпаев йирик миқёсда тадқиқотлар ташкил этишнинг диққатга сазовор тажрибасини айтиб берди. Тадқиқотларни комплекс тарзда ўтказиш ва бу тадқиқотларни бажаришдаги коллективлик, — деди у, — Қозогистон ССРдаги илмий-тадқиқот ишларининг асосий принциплари бўлиб қолди. Қозогистон Фанлар академияси кўпгина илмий-тадқиқотларни корхоналар билан яқиндан боғланиб туриб ўтказмоқда, бу эса, академия ишларининг юксак даражада самарали бўлишини таъминламоқда.

СССР Фанлар академиясининг И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институти директори А. П. Александров совет олимларининг атом физикаси соҳасидаги кўзга кўринган муваффақиятлари кўп мутахассисларнинг куч-ғайрати бирлаштирилганлиги ва уларнинг ишлари аниқ координация қилиб турилганлиги туфайли қўлга киритилганлигини уқтириб ўтди.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, РСФСР Министрлар Совети илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг раиси П. И. Аброскин ўз нутқида янги техникани жорий қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим масалаларни кўтариб чиқди.

СССР Давлат иқтисодий кенгаши Экономика институтининг директори А. Н. Ефимов ўз нутқида айтдики, техника соҳасидаги мутахассислар ва экономистларнинг бир-бирлари билан узвий равишда боғланиб ишлашлари ғоят катта аҳамиятга эга. Бундай боғланиб ишлаш техникани тараққий эттиришниг, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг энг самарали йўлларини топишга ёрдам беради.

Мажлисда академик С. А. Векшинский. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими раисининг ўринбосари академик А. А. Трофимук, Украина ССР Фанлар академияси Электр пайвандлаш институтининг директори Б. Е. Патон ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш 13 июнда ўз ишини давом эттирди.

Етти йилликда Уралга келин туширib борамиз. Газопроводчилар карвони йўлга тушди. Дастлабки бир неча километр узунликдаги газ қувури ётқизилди. Газли ёнилғи конининг танҳархи мамлакатимизда энг арзон «зангори олтин»и Уралнинг саноат гигантлари печларида ёна бошлайди. Геологлар ва пармаловчилар эса янги-янги конларни қидириб топиш учун Қизилқумнинг инсон оёғи тегмаган саҳроларига ҳужум бошладилар. Янги-янги газ вишкалари қад кўтармоқда. Тунда уларнинг чироқлари маяқдек ёниб турибди. Бу вишкалар совет кишилари қаҳрамонона меҳнатининг далили эмасми! СУРАТДА: Қизилқумда қад кўтарган янги газ вишкаси.

М. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЁППАСИГА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН СТАНЦИЯ

Ўрта Осиёда энг йирик Оҳангарон ГРЭСида барча ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш тугалланди. Бу ерда кўл билан қилинадиган охирги операция — станцияга келтириладиган кўмирни тушириш ҳам механизация елкасига юкланди. Кўмирни. етказиб бериш ва тушириш учун Совет Иттифоқида биринчи марта 90 тонна юк сигадиган олти ўқли иуқул металлдан ясалган ва юкини ўзи тўкадиган ярим вагонлар қўлланила бошланди. Йил бошидан бу ёён ГРЭСдаги ишларни механизациялаш натижасида юздан ортиқ ишчининг ўрни бўшади ва 80 минг сўмдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди. (ЎзТАГ).

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

ВЦСПС Президиуми «Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган ва жамиятга қарши текинхўрлик билан кун кўраётган шахсларга қарши кураши кучайтириш соҳасида касаба союз ташкилотларининг иши тўғрисида» қарор қабул қилди.

ВЦСПС Президиуми РСФСР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 4 майдаги Фармони жамиятга қарши айрим текинхўр унсурлар билан кураши янада кучайтириш учун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб, касаба союз ташкилотларининг асосий эътибори жамиятга қарши ножўя ҳаракатларнинг олдини олишга ва пайини кирқишга қаратилиши лозим, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда корхоналарда, клубларда, маданият уйлари ва саройларида, қизил бурчакларда тарбиявий ишларни, кучайтириш, меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлиш тўғрисида, совет қонунларига ва ижтимоий хулқ қоидаларига риоя қилиш, тўғрисида меҳнаткашларнинг йиғилишларини, лекциялар ва докладларни мунтазам равишда ўтказиб туриш зарур.

Касаба союзларининг фабрика-завод ва маҳаллий комитетларига тушунтириш ишларини кенг кўламда ўтказиш билан бир вақтда меҳнаткашларнинг ўзларини прогулчиларга ва дангасаларга қарши, безориликка ва ичкиликбозликка, порахўрликка ва спекуляцияга қарши курашга тортиш таклиф қилинди. Текинхўр унсурлардан жамоатчилик нафратланадиган ва уларни қоралайдиган вазият вужудга келтирилиши лозим.

Жамоат ташкилотлари ёки далалат органлари томонидан огоҳлантирилган ва ўзлари учун белгиланган муддатда ҳалол меҳнат билан кун кўриш йўлига тушиб олмаган шахсларга нисбатан корхоналар, цехлар, муассасалар, ташкилотлардаги меҳнаткашлар коллективлари бундай шахсларнинг меҳнатсиз йўл билан топган мол-мулкларини мусодара қилиб, уларни махсус ажратиб қўйилган жойларга икки йилдан беш йилгача муддат билан кўчириб юборини тўғрисида жамоатчилик ҳукмларини чиқаришлари ва улар кўчиб борган жойларида албатта меҳнатга тортишлари лозим.

Касаба союз ташкилотларига жамоат тартибини муҳофаза қилувчи кўнгилли халқ дружиналарининг ишларига кўпроқ ёрдам бериб туриш, энг яхши ишчилар, касаба союз активлари ҳисобига бу дружиналарнинг составларини мустаҳкамлаш таклиф қилинди.

ВЦСПС Президиуми фабрика-завод комитетларига ва маҳаллий комитетларга кўчириб юборилган жойларидан жамоат ташкилотларининг илтимосига биноан, муддатдан олдин бўшатилиб қайтарда келтирилган шахсларни ўз вақтида ишга жойлашиқ учун хўжалик раҳбарлари билан биргаликда чоралар кўриш вазифасини топширди. Касаба союз ташкилотлари бу шахсларни коллективнинг ижтимоий ҳаётига бутун чоралар билан тортишлари, уларнинг тўғри, меҳнат йўлига тезроқ тушиб олишларига ёрдам бериб туришлари лозим. (ТАСС).

КОЛХОЗНИНГ СТИПЕНДИЯ ФОНДИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозига шу колхоздан стипендия олиб турувчи студентларнинг биринчи группаси ишлаб чиқариш практикасига келди. К. А. Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академияси иқтисод факультетининг тўртинчи курсида ўқиётган студент Михаил Ли колхознинг экономисти вазифасига қабул қилинди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг учинчи курс студентлари Эрма Лц ва Владимир Пак механизатор бўлиб ишламоқдалар. Практикага келган студентлар ишлаб чиқариш практикалари муддатини ўзайтириб, жонажон колхозга ёрдам беришга қарор қилдилар. Колхоз правлениеси уларга иш қақи тайинлади.

Бу йил колхоз стипендиялар фондини икки баравар кўпайтириб, ўн минг сўмга етказди. Ҳозирги вақтда колхоз маблағлари ҳисобига Москва, Ленинград, Тошкентдаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртларида йигирма киши ўқимоқда. (ЎзТАГ).

Ўтган ҳафта ичида «Қизил Ўзбекистон» редакцияси нинг оммавий ишлар ва хатлар бўлими 483 конверт очди.

Бу хатларда республикамиз меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлиги ниспи кўрилмаган даражада ортиб бораётганлиги, саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари янги социалистик мажбуриятлар олиб, КПСС XXII съезди, Ўзбекистон КП XVI съездини янги меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётганликлари ҳикоя қилинади.

— Партия XXII съезди шарафига, — дейилади хатларнинг бирида, — меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Мирзақул Азизов, Абдулла Сандназаров бошлиқ бригадалар Оҳангарон ГРЭС қурилишида коммунистик меҳнат бригадалари деган шарафли номни олдилар. Қурилиш-монтаж ишлари ой сайин орттириб бажарилмоқда, меҳнат унумдорлиги 8 процент ошди, фақат кейинги уч ой ичида пландан ташқари 22 минг сўм фойда олинди.

Колхоз, совхоз далаларидан олинган хатларнинг аксариятида азамат меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларини амалга оширишда учун ғайрат ва ижодий кўтаринки руҳ билан ҳормай-толмай меҳнат қилаётганликлари тасвирланса, баъзи хатларда дала ишларидаги камчиликлар танқид қилинади.

Жойларга текшириб чора кўриш учун юборилган 43 шикоят хатга ва газетада босилиб чиққан 11 танқидий материалга жавоб олинди.

Бобоқул Умрзоқовни маҳалладагилар «учига чиққан хушомадгўй» деб атасалар, иш жойидагилар «у фақат шахсий манфаатини кўзлаб иш кўрадиган кўзбўямачи» дейдилар.

«Зомин» совхози 3- бўлимининг бошқарувчиси Б. Умрзоқов бирвақтлар колхоз раиси бўлиб ишланганида унинг колхоз мулкини талон-торож қилгани, колхоз ҳисобига район марказида дабдабали уй қуриб олгани, колхознинг «Победа» машинасини ўзиники қилиб расмийлаштиргани ва бошқа кирдикорлари тўғрисида меҳнаткашлар шикоят хатлари ёзган эдилар. Бироқ, у Самарқанд билан Зомин ўртасида «Победа»да қатнайвериб, ҳақиқий кўзбўямачилик йўлига кириб олди. Чўпонларнинг қўйини боғлаб, ҳар хил қалбаки актлар тузиш йўли билан совхознинг анчагина қўйини ўлдига чиқарди, гўштини, жунини сотди. «Победа» ўрнига янги «Волга» олди. «Зомин» совхозидан олинган хатда бу фактлар бор эди.

Бу хат Самарқанд область партия комитетига юборилган эди. Ўзбекистон КП Самарқанд область комитетининг секретари А. Аракелов бу ҳақда қуйидагиларни хабар қилди:

Хат юзасидан Зомин район партия комитети текшириш ўтказди. Хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Б. Умрзоқов совхоз бўлими бошқарувчиси вазифасидан четлаштирилди ва унга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қатиқ виговор эълон қилинди.

Шофрикон районидаги Киров номли мактабдан олинган бир хатда бундай дейилади:

Мактаб директори Ҳожи Маҳмудов таълим-тарбия ишларини яхши ташкил қилди. Район ва область халқ маорифи бўлимлари бир неча марта текшириш ўтказдилар, мактаб директорининг ишдан олиниши тўғрисида область халқ маорифи бўлимининг буйруғи ҳам чиқди, бироқ, нимагадир Шофрикон район партия комитети аппаратидаги айрим ўртоқлар Ҳожи Маҳмудовни ўз қаноти остига олиб, мактабда юз бераётган жиддий аҳволга панжа орасидан қарамоқдалар.

Ўзбекистон КП Бухоро область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг редакцияга хабар қилишича, область партия комитети бу мактабда текшириш ўтказган. Хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Ҳожи Маҳмудов мактаб директорлиги вазифасидан четлаштирилган. Мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланган.

Фориш район марказида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг штатсиз мухбирлар пункти ташкил этилди.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТЕКИНХЎР»

Газетамизнинг шу йил 21 май сонида шу сарлавҳа остида босилган фельетонни газетхонлар эсласалар керак. Унда Тошкент шаҳар, Кисловодск кўча, 2-линиядаги қўшдарвозали катта бино, Саябон кўчасидаги 8 хонали ҳовлининг эгаси, Ўрта Чирчиқ район универмаги директори, халқ мулкидан юлиб бойиган, текинхўр Абдулҳай Ҳидоятовнинг кирдикорлари фош қилинган эди.

Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент область бошқармасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

«Текинхўр» сарлавҳали фельетон юзасидан текшириш ўтказилди. Тўйтепадаги район универмагининг директори А. Ҳидоятов тўғрисида келтирилган фактлар тасдиқланди.

Хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани, саноат молларини сотиш вақтида ҳар хил йўллар билан харидорларнинг ҳақларидан юлиб қолгани ва бошқа ғайри қонуний ишлари учун Абдулҳай Ҳидоятов жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоққа олинди.

Ҳидоятовнинг ҳиёнат йўли билан тўплаган янги пул ҳисоби билан 100 минг сўмлик буюми ва «Победа» машинаси ундан тортиб олинди. Шунингдек, шу универмагнинг бўлим бошлиғи Балбанов ва бошқалар ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. Айбдорлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССРда яшовчи кўп болали оналарга „Қаҳрамон она“ фахрий унвонини бериш тўғрисида*)

Ўн ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаб ўстирган қуйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** фахрий унвони берилсин ва **«Қаҳрамон она»** ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиғи топширилсин:

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

45. **Зоҳидова** Муаззам — Самарқанд районидаги Сафети қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

46. **Имомова** Қурбон — Пойариқ районидаги Қирқовул қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

47. **Қосимова** Муҳаббат — Ургут районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзоси.

48. **Қосимова** Санобар—Самарқанд районидаги Оғалиқ қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

49. **Маҳмудова** Назокат — Самарқанд шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

50. **Расулова** Ашурбиби — Ургут районидаги «Пятилетка» колхозининг аъзоси.

51. **Раҳмонова** Мўътабар — Самарқанд шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

52. **Саимова** Ҳайит — Норпой районидаги К. Маркс номли колхознинг аъзоси.

53. **Тўхтаева** Ниёзбуви — Норпой районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси.

54. **Ҳазратқулова** Ниҳол — Ғаллаорол районидаги Калтатой қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

55. **Ҳакимова** Хосият — Жиззах районидаги Учқиз қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

56 **Ҳасанова** Мустаҳкам — Самарқанд районидаги Хўжаақрор қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

57. **Худойбердиева** Зилол — Булунғур районидаги Красногвардейск посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

58. **Эрназарова** Жовҳар — Фориш районидаги Киров номли совхознинг ишчиси.

59. **Йўлдошева** Маска — Иштихон районидаги Фрунзе номли колхознинг аъзоси.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

60. **Олимназарова** Зиннат — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг ишчиси.

61. **Аннаева** Шосанам — Термиз районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси.

62. **Отабоева** Хурсанд — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг ишчиси.

63. **Давлатова** Мамир — Денов районидаги Пистамозор қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

64. **Донниева** Тожихол — Шеробод районидаги Шеробод қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

65. **Жабборова** Барфи — Сариосиё районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси.

66. **Жовлиева** Ражаб — Шаҳрисабз районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси.

67. **Жалиева** Машира — Шеробод районидаги Киров номли колхознинг аъзоси.

68. **Жумаева** Қурбон — Шеробод районидаги Шеробод қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

69. **Иброҳимова** Иззат — Шаҳрисабз районидаги К. Маркс номли колхознинг аъзоси.

70. **Эсонқулова** Иқбол — Жарқўрғон районидаги Жарқўрғон қишлоғи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

71 **Эшмуродова** Султон — Жарқўрғон районидаги Кукайти посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

72. **Қўзиева** Офтоб — Жарқўрғон районидаги Жданов номли колхознинг аъзоси.

73. **Мадатова** Ҳиммат — Қарши районидаги Мирбирон қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

74. **Мамадиерова** Робия—Шеробод районидаги Шеробод қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

75. **Менглиева** Қизларсулув — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг ишчиси.

76. **Миненко** Варвара Михайловна — Денов шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

77. **Назарова** Анорхол — Сариосиё районидаги Кампирқала қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

78. **Назарова** Турдихол —Шаҳрисабз районидаги Наматон қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

79. **Равшанова** Дурхол — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг ишчиси.

80 **Раҳимова** Хоним — Қамаши районидаги Фрунзе номли колхознинг аъзоси.

81. **Раҳмонова** Майсара — Бойсун районидаги «Бойсун» совхозининг ишчиси.

82. **Рўзиева** Мукаррам — Қарши шаҳри уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

83. **Сапарова** Обод — Термиз районидаги Қизил Шарқ қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

84. **Тилавова** Мунаввар—Яккабоғ районидаги магазин мудири.

85. **Турсунова** Олия — Шеробод районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси.

86 **Ҳайдарова** Ойхол — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг ишчиси.

87. **Ҳакимова** Турсун — Шўрчи районидаги Қумқўрғон посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

88. **Ҳамроева** Қундуз —Бойсун районидаги «Бойсун» совхозининг ишчиси.

89. **Ҳасанова** Қизон — Жарқўрғон районидаги Жданов номли колхознинг аъзоси.

90. **Холова** Рисолат — Китоб районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг аъзоси.

91. **Худойқулова** Ойқиз — Денов районидаги Ҳазорбоғ посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

92. **Хўжамуродова** Ойсан — Шўрчи районидаги ўрмон хўжалигининг ишчиси.

93. **Элмуродова** Бибисора — Яккабоғ районидаги Култепа қишлоғи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

94. **Янгибоева** Қизларбос — Шеробод районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси.

95. **Ерматова** Султон — Жарқўрғон районидаги Жарқўрғон қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

96. **Абдулкосимова** Тожи — Бўстонлиқ районидаги Султонов қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

97. **Одилова** Тўхта — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

98. **Алиева** Замира — Қорасув район матлубот жамиятининг ишчиси.

99. **Орифхўжаева** Умри — Бекобод районидаги 1-Далварзин посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

100. **Аҳмадбекова** Холпошша—Калинин районидаги Юқори Ҳасанбой қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

101. **Аҳмедова** Зарифа — Чиноз районидаги Чиноз посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

102. **Боботоева** Турсун — Ўрта Чирчиқ районидаги Авангард қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

103. **Борисова** Ровзабу — Янгийўл районидаги Қўнғирот қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

104. **Дадабоева** Замира — Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоғи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

105. **Жўраева** Тўхта — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

106. **Жўрамуродова** Ширмон — Янгиер шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

107. **Эгатова** Урия — Янгиер шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

108. **Илҳомова** Муҳаррам — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

109. **Исроилова** Умри — Тошкент шаҳри уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

110. **Эшмуҳамедова** Зубайда — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

111. **Қодирова** Холбу — Чиноз районидаги Свердлов қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

112. **Қорабоева** Ширин — Орджоникидзе районидаги Михайловское қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

113. **Қосимова** Убайда — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

114 **Корнейчук** Елена Михайловна — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

115. **Мадатова** Зулфия — Гулистон районидаги Крестьянское қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

116 **Мирзахўжаева** Бино — Юқори Чирчиқ районидаги Сўқоқ қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

117. **Носиржонова** Малика — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

118. **Нурматова** Олимжон — Янгийўл шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

119. **Нурмуҳамедова** Сора — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

120. **Файзиева** Сожибу — Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг аъзоси.

121 **Пак** Екатерина — Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

122. **Рисқиева** Мели — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

123. **Рихсибоева** Ҳолбуви — Янгийўл районидаги Ниёзбоши қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

124. **Саденова** Калтай — Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозининг аъзоси.

125. **Сим** Анна — Юқори Чирчиқ районидаги Сасбақа қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

126. **Тулекеева** Ойнагул-Мариям — Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи

127. **Усмонова** Холшакар — Бўстонлиқ районидаги Думалоқ қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

128. **Цисс** Мария Антоновна—Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

129. **Эрматова** Карима — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северный маяк» колхозининг посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

130. **Йўлдошева** Мейли — Янгиер шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

131. **Ёқубова** Саодат — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

132. **Абдуллаева** Робихон — Ўзбекистон районидаги Нурсуқ қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

133. **Абдураҳмонова** Ҳабиба — Фарғона районидаги I-Шўро қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи

134. **Аҳмедова** Нурхон — Охунбобоев районидаги Варзак қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

135. **Бўтаева** Ҳимоят — Фарғона районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

136. **Қўчқорова** Қундузбиби — Киров районидаги Рапқон қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

137. **Маматқулова** Адолатой — Киров районидаги Кирово посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

138. **Мўминова** Нортожи — Ленинград районидаги Ғиждон қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

139. **Назарова** Умгулсин — Ўзбекистон районидаги Гултепа қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

140. **Норматова** Раҳима — Боғдод районидаги Ворошилов номли мактабнинг ўқитувчиси.

141. **Салоҳиддинова** Мавлудахон — Поп районидаги Поп қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

142. **Сотиволдиева** Тўпаниса — Ўзбекистон районидаги Яйпон посёлкаси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

143. **Умрқулова** Холмома — Киров районидаги Сурпа қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

144. **Халилова** Тожи — Охунбобоев районидаги «Фарғона» колхозининг аъзоси.

145. **Ҳамролиева** Ўғилби—Марғилон шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

146. **Хидирова** Солия — Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхозининг аъзоси.

147. **Юсупжонова** Сора — Марғилон шаҳри, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

148. **Оллоқулова** Тўти — Ҳазорасп районидаги Қанотлар қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

149 **Иброҳимова** Зулайхо — Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозининг аъзоси.

150. **Қулметова** Саодат — Янгиариқ районидаги Чапаев номли колхозининг аъзоси.

151. **Қуриёзова** Фотима — Ҳазорасп районидаги Сандиқли қишлоғи, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

152. **Матёқубова** Тўти —Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси.

153. **Салоева** Раҳима — Ҳазорасп районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.

154. **Сапоева** Ойбиби — Ҳазорасп районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоси

155. **Ўринова** Ўғилжон — Янгиариқ районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.

156. **Ҳайитова** Ойжон — Қўшкўпир районидаги Хрущчев номли колхозининг аъзоси.

157. **Худакова** Авазжон—Қўшкўпир районидаги Сталин номли колхозининг аъзоси.

158 **Эрматова** Момажон — Қўшкўпир районидаги Ленин номли колхозининг аъзоси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БЎЙИЧА

159. **Содиқова** Салпихон — Кегайли районидаги Жданов номли совхознинг ишчиси.

160. **Сапарбоева** Ўрингул — Тахтакўпир районидаги Калинин номли совхозининг ишчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил 8 июнь.

*) Боши газетамизнинг шу йил 11 ва 13 июнь сонларида.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ ЭВАЗИГА

Муҳаммади Аҳмедов Жиззах районидаги Хрущчев номли колхоз-хоз правлениеси ўртоқ Аҳмедовни ҳалол меҳнати учун «Москвич» енгил машинаси билан мукофотлади.

Ўртоқ Аҳмедов мукофотни янада фидокорона меҳнат билан оқлашга, бу йил 270 гектар пахта майдонидан камида 783 тонна пахта етиштиришга сўз берди.

Бригадада ғўза учинчи парвариш қилинмоқда.

П. Халилов.

ПАХТАКОР ЎРТОҚ!

Ғўза парваришида мусобақадошлар маслаҳатига амал қилинг: экинни ҳамма ерда яхши ривожлантириб, текис ҳосилга киритинг. Бунинг учун: ишни пухта уюштиринг, далани ўтдан тозаланг, суғориш, ўғитлашга зўр беринг.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Пахтасбод районининг пахтакорлари билан Ленин район колхозларининг пахтакорлари беллашган. Мусобақадан мурод — мамлакатга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш. Ленин районининг пахтакорлари ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликларини аниқлаш учун яқинда Пахтаобод районидан ўзаро текшириш бригадаси келди. Бу икки юқори ҳосилли район пахтакорлари кўпдан буён мусобақалашиб келмоқдалар. Бу йил ким ғолиб чиқади? Шу кеча-кундузда кимнинг ғўзаси меҳр-муҳаббат билан парвариш қилинаётган бўлса, кимнинг ғўзаси барвақт шоналаган бўлса ва баравж бўлса, кимки бундан кейин ҳам ғўза парваришини бўшаштирмаса, ўша, албатта, ғолиб чиқади.

СУРАТДА: Пахтаобод район пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Ленин районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтазорини кўздан кечирмоқда.

Л. Мейнер фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

САМАРҚАНДЛИКЛАР БУНДАН ҲАМ ЯХШИ ИШЛАШЛАРИ МУМКИН

Тошкентлик пахтакорлар Самарқанд областининг далаларида

Тошкентликларнинг ўзаро текшириш бригадаси Самарқанд область далаларида ва чорвачилик фермаларида бўлиб, мусобақадош дўстлари мажбуриятларини қандай бажараётганликларини кўздан кечирдилар.

Бригада самарқандликлар чигитни энг яхши агротехника муддатларида экиб олганликларидан мамнун бўлди. Катта майдонларда чигит ернинг намига ундириб олиниб, кўчатларнинг нормал қалинлиги таъминланган. Кўпчилик далалар бегона ўтдан тозаланган. Жиззах районидаги бир қанча колхозларда, айниқса «Москва», Будённий номли, шунингдек, Каттақўрғон районидаги Хрущчев номли, Иштихон районидаги «8 Март», Оқдарё районидаги Карл Маркс номли, Пойариқ районидаги Ленин номли колхозларда ғўза барқ уриб ўсмоқда.

Лекин кўпгина камчиликлар ҳам аниқланди. Ҳамма жойда ғўза 5 июнгача бир текис шонага кириши керак эди. Лекин ҳали 70 минг гектар майдондаги ғўза текис шоналамаган. 11 минг гектар майдондаги ғўза эса бор-йўғи 3-4 тадан барг чиқарганича турибдики, бу экин камида 15 кундан кейингина шоналай бошлайди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг маълумотларига қарасангиз, ҳамма жойда экин бир текис ундириб олинган ва унинг авжи яхши. Лекин «Боғизагон» совхозида, Каттақўрғон районидаги «Ленин йўли» колхозида ҳали ер бағирлаб ётган, дуруствок ривожлана олмаган ғўзаларни кўрдик. Жомбой районидаги Калинин номли, «Ленин йўли», Пойариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозларида, «Пойариқ» совхозида ва бошқа бир қанча хўжаликларда ғўза ривожланишдан орқада қолган.

Атиги 125 минг гектар майдондаги ғўза ягона қилиниб, букетлар ростлаб чиқилган, қолган 52 минг гектар майдонда эса ҳали бу ишга киришилмаган. Кўпгина уяларда 5-6 тадан, ҳатто ундан ҳам ортиқ кўчат қолдирилган. Лекин такрор ягона ўтказилмаётир.

Ҳар гектар майдонда ғўза туплари нинг нормал қалинликда бўлишига интилиш яхши, лекин бунга ҳар бир уяда ортиқча кўчат қолдириш йўли билан эмас, балки ҳар бир метр ерда ғўзанинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш йўли билан эришилади. Каттақўрғон районидаги Сталин номли колхозда 1000 гектардан ортиқроқ ердаги ғўза ягона қилинмаган. уяларда 5-6 тадан, ҳатто бундан ҳам ортиқ кўчат қолдирилган. Шунга ўхшаш фактларни Иштихон районидаги Ленин номли, Оқдарё районидаги Хрущчев номли, Сталин номли ва бошқа бир қатор хўжаликларда учратиш мумкин.

Колхоз ва совхозларда ғўза туплари нинг нормал қалинлигини таъминлаш мақсадида оласига чигит экилган, аммо қўшимча экилган жойлар суғорилмагани туфайли чигит униб чиқмаган.

Ҳозиргача биринчи суғориш тамомланиши керак эди. Лекин фақат 45 минг гектар майдондаги ғўза бир марта суғорилган. Каттақўрғон районида сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,56 ни, иштихон районида 0,66 ни ташкил этади, холос. Ургут, Хатирчи, Оқдарё, Пастдарғом районларида сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмаётир.

Бир қанча хўжаликларда ғўза нимжон бўлиб қолган, кўчат сийрак. Бу, экинни кечикиб суғориш нинг, сувдан тўғри фойдаланмасликнинг оқибатидир. 31 майдан 5 июнгача бўлган вақт мобайнида оқар сувдан тўғри фойдаланилса, кунига 9 минг гектар майдондаги ғўзани суғориш мумкин эди. Аслида эса фақат 7 минг гектар ердаги экин сув ичди. Шундан 3,5 минг гектар ердагина ғўза суғорилди.

Ўзаро текшириш бригадаси биринчи суғоришни яқин кунларда тугатиш зарур деб ҳисоблайди. Сув тарашнинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Айрим жойларда экин бостириб, баъзи бир жойларда эса, аксинча, қондирмай суғориляптики, ҳар икки ҳолга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Областда узунасига биринчи культивация ҳали тугалланмаган, иккинчи культивация эса 60 процентдан ҳам камроқ майдонда ўтказилган. Самарқанд районидаги 1.5 минг гектарча, Каттақўрғон районида эса 639 гектар майдондаги ғўза культивация қилинмаган.

Қўндалангига культивация бундан ҳам кечикмоқда. Областда қўндалангига биринчи культивация қилиш бор-йўғи 85 процент, Самарқанд районида 45 процент, Пахтакор ва Пастдарғом районларида 64 процентдан бажарилган. Қатор ораларини ишлаш сўратиб жиҳатидан область бултургидан ҳам орқада қолаяпти.

Ғўза кўпинча сифатсиз культивация қилинади. Иш органлари яхши ўрнатилган чопиқ агрегатларини камдан-кам топасиз.

Бир қанча хўжаликларда ва бригадаларда культивация тор ўтказилиб, анчагина ер юмшатилмасдан қолмоқда.

Далада ишлатилаётган тракторларнинг анча қисми носоз, нобоп. Кўпинча иш органлари нотўғри ўрнатилганлигидан ўғит талаб қилинган чуқурликка солинмаётир.

Кўпгина колхоз ва совхозларнинг ғўзасини ўт босиб кетган. Лекин ўз вақтида ўтоқ қилинмаяпти, хусусан Каттақўрғон районидаги Сталин номли, «Ленин йўли» колхозларида, Оқдарё районидаги «Ўзбекистон» ва Ленин номли колхозларнинг кўпгина бригада далаларида ғўзани ўт босиб кетган. Оқдарё районидаги Хрущчев номли колхозда колхозчилар чопиқ қилган ерларни трактор культивация қиляпти. Бундай фактларни Иштихон районидаги Ленин номли, Пастдарғом районидаги «Правда», Пойариқ районидаги Ленин номли колхозларда ҳам кўриш мумкин. Бу ана шу хўжаликларнинг баъзи раҳбарлари техникани камситиб, ҳали ҳам кетмонга суянаётганликларини кўрсатади.

Кўпчилик районларда далаларнинг чекка ларидаги ва йўл ёқаларидаги, ариқ-зовурлар бўйидаги бегона ўтни тап-томири билан қуритишга эътибор берилмаяпти. Ўт босган жой ҳашаротнинг ўчоғи, ҳашарот ва бегона ўт пахта далаларига ана шу жойлардан тарқалишини унутмаслик керак.

Оқдарё, Пастдарғом, Самарқанд районларидаги кўпчилик колхозларнинг далаларида ҳашарот тарқалган. Афсуски, ғўзанинг офати бўлган зараркунандаларга қарши етарли қурашилмаяпти.

Ўзбек халқи КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажариш учун курашар экан. «Мамлакатга ҳам пахта, ҳам гўштни мўл-кўл етказиб берамиз!» деган шиор ташлади. Бу республика жумладан, Самарқанд области қишлоқ хўжалиги механизаторлари ҳам пахта, ҳам гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун барча резервлардан тўла фойдаланишлари керак деган маънони билдиради.

Маккажўхори гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришнинг қудратли воситасидир. Лекин «дала маликаси» Самарқанд областидаги кўпгина хўжаликларда яхши парвариш қилинмаяпти. Тўғри, маккажўхори экиш плани ортиғи билан бажарилган. Лекин экиш билан иш битмайди, «дала маликаси»ни яхши парвариш қилиш керак. Маккажўхори ягона қилинмаган, культивация кечиктирилмоқда. Ўз вақтида суғорилмаяпти, қимматли экинни ўт босиб кетган.

Маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаётган экан, область хўжаликлари сигирлардан сут соғиб олишни қандай қўпайтиришлари, молларни қандай қилиб семиришлари мумкин, ахир!

Областда бедага бўлган муносабат ҳам яхши эмас. Беданинг биринчи ўрими эски бедапояларда кечи билан 10-15 майда тамомланиши керак эди. Лекин биринчи ўрим эски бедапояларнинг тенг ярмида ўтказилмаган. Ўз вақтида ўриб олинмаган беданинг барги қуриб қовжираб, тўкилиб кетмоқда.

Ўрилган беда ўз вақтида йиғиштириб олинмаганлигидан қизиб қоляпти. Шундай бепарволик оқибатида бир ўримда йиғиштириб олинадиган ҳосилга тенг келадиган ҳосил нобуд бўлиб кетган. Ахир, бу жуда катта исрофгарчилик чорвачиликка жиддий путур етказиши мумкин!

Тажриба-намуна хўжаликларига алоҳида тўхтаб ўтиш керак. Областда 11 тажриба-намуна хўжалиги бор. Ҳамма жойда май ва июнь ойларида қилинадиган ишларнинг плани, кўргазмаларни ташкил қилиш плани мавжуд. Мутахассислар колхозларнинг правленияларига меҳнатни тўғри ташкил қилишда, техникадан яхшироқ фойдаланишда кўмаклашмоқдалар.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, айрим хўжаликларнинг баъзи мутахассислари пахтачиликда агротехника ва механизациянинг янги усулларидан фойдаланишга етарли эътибор бермаётирлар.

Баъзи бир тажриба-намуна хўжаликларида, чунончи, Каттақўрғон районидаги Хрущчев номли колхозда лалмикор ерларга дон экиш яхши ривожланган. Шундай бўлишига қарамасдан, мутахассисларнинг иш планида лалмикор деҳқончиликнинг илғор тажрибасини оммалаштириш кўзда тутилмаган.

Тажриба-намуна хўжаликларининг фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар бор. Уларнинг бирортасида қилинадиган ишларнинг перспектив, ҳатто йиллик плани йўқ. Баъзан тажриба-намуна хўжаликларнинг мутахассисларидан колхоз правленияларининг айрим бригада ва участкаларига юборилаётган вакил сифатида фойдаланилмоқда.

Область чорвадорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг баъзи бир пунктларини бажардилар. Қорамоллардан бола олиш плани 1 июнда бажарилди. Лекин мавжуд резервлардан, хусусан Зомин, Ғаллаорол ва Булунғур районларида етарли фойдаланилмаяпти.

Чорва маҳсулотлари етиштиришни ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилмаган.

Шу йилнинг беш ойи мобайнида қорақўл қўйлар 14558 бош камайиб кетган.

Булунғур, Жиззах, Пахтакор, Ургут районининг раҳбарлари паррандачиликни ривожлантиришга эътибор бермаётирлар. Гўшт етиштириш юзасидан план 21 процент, сут етиштириш плани эса 34 процент бажарилди, холос. Областда ҳар сигирдан сут соғиб олиш булгургига нисбатан 59 килограмм, айрим районларда, масалан, Каттақўрғон, Зомин районларида эса 100 килограммдан камайиб кетган.

Маҳсулот таннархи қиммат. «Қўшробот», «Улус», «Қизилча» совхозларида 1 центнер сут 39-70 сўмга тушяпти. «Зарафшон» совхозида майда шоҳли молларнинг бир центнер гўшти 293 сўм 92 тийинга турди.

Молларни боқиб семиртириш ва яйловда боқиш яхши ташкил этилмаган. Чўчқа, қўй, қорамоллар бир кеча-кундузда жуда оз семиртириляпти.

Бригадамиз ўз фикрини айтиб, конкрет маслаҳатлар берди. Самарқанд область механизаторлари мусобақадошларининг маслаҳатларига амал қилиб, партия XXII съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар деб ишонамиз.

Э. ШАЙХОВ — Тошкент область партия комитетининг секретари. Ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари: **Ф. СОКОЛОВ** — Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институтининг илмий ходими: **А. ТИХАНОВСКИЙ** — инженер. **И. СОТИБОЛДИЕВ**— Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари. **Х. ГУЛОМОВА** — Пистакент район ипакчилик идорасининг мудири; **КИМ ДМИТРИЙ**—Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз раиси; **З. УМАРОВА** — Янгийўл район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Маккажўхори сўта чиқарди

ТЕРМИЗ. (ЎзТАГ). Сариосиё районидаги намуна-тажриба хўжалиги бўлган Сталин номли колхозда маккажўхори дастлабки сўталар чиқарди. Хўжаликда бу ажойиб экин ўз вақтида экилиб, яхши парвариш қилинди. Қатор оралари икки-уч марта ишланиб, етарли миқдорда ўғит солинди. Экинлар қондириб суғорилди. Ҳимизаторлар далаларда қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларининг тарқалишига йўл қўймадилар. Маккажўхори пояси ҳозирдаёқ икки метр баландликка етди.

Тўпаланг дарёси воҳасида жойлашган бошқа хўжаликларда ҳам «дала маликаси» яхши ривожланмоқда. Ангор, Шеробод ва Жарқўрғон районларидаги колхоз ва совхозлардан сўталар пайдо бўлганлиги тўғрисида хабарлар олинди. Ўзбекистоннинг жанубидаги маккажўхорикорлар барвақт силос бостиришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Комбайнлар далага чиқди

Самарқанд областининг далаларида ғалла ўрим-йиғими бошланди. «Зомин», «Қизил чорвадор» совхозларида ва бошқа хўжаликларда комбайн агрегатлари арпа ўрмоқда.

Областнинг қишлоқ хўжалик механизаторлари етти йилликнинг учинчи йилида давлатга 276 минг тонна ғалла сотишга қарор қилишлар. Ҳозир улар бу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш партиянинг яқинлашиб келаётган XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. (ЎзТАГ).

Коммунист механизаторлар ғайрати

ХОЛДЕВОНБЕК, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Ленин номли колхознинг коммунист механизаторлари меҳнатда ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳамроқул Жумаев, Ортиқбой Жабборов сингари илғор тракторчилар яшил квадратларни меҳр билан парвариш қилиб, кунлик культивация нормасини бир ярим ҳисса адо этмоқдалар.

Колхоз правленияси ва партия ташкилоти илғор механизаторларга ҳар беш кунда кўчма вимпел ва пул мукофоти топширмоқда.

ДУНЁДА ТИНЧЛИК БЎЛИШИ УЧУН

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ХАЛҚ ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПРАГА, 12 июнь. (ТАСС). Чехословакия халқ партиясининг икки кун давом этган конференцияси кеча Прагада ўз ишини тамомлади. Конференция партиянинг янги уставини қабул қилди ва Марказий Комитет раиси, соғлиқни сақлаш министри И. Плойгар бошчилигида Чехословакия халқ партияси Марказий комитетини сайлади.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар Чехословакия саноати ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш масаласига ва қишлоқда маданий революция масаласига катта эътибор бердилар.

Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, конференция қарорида, жумладан бундай деб таъкидланади: Чехословакия халқ партияси Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигида Социалистик Республика қуришда ва бутун дунёда тинчлик учун курашда ўз фидокорона меҳнати билан катнашишини ўзининг маънавий бурчи деб ҳисоблайди.

АВСТРАЛИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XIX СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

СИДНЕЙ, 12 июнь. ТАСС мухбири **О. Аничкин** хабар беради: Бугун Сиднейда Австралия Компартиясининг XIX съезди ўз ишини тамомлади. Съезд делегатлари партия Марказий Комитетининг партия бош секретари Шарки қилган ҳисобот докладини муҳокама қилдилар ва Марказий Комитетнинг янги составини сайладилар. Съезд партия программасига ва уставига киритилган бир неча тузатишларни ва қўшимчаларни қабул қилди. Делегатлар партиянинг ҳозирги даврга мўлжалланган сиёсий программаси баён қилинган резолюцияни якдиллик билан маъқулладилар.

Съездда партиянинг бош секретари Шарки якуньловчи нутқ сўзлади.

ПОЛЬША **Польша матбуоти атом ва водород қурол и синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масала ва Германия билан сулҳ шартномасини тузиш ҳамда шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал қилиш тўғрисидаги масала юзасидан Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига топширган эсдалик хатларини шарҳлаб ёзмоқда.** «Глос Праци» газетасининг шарҳларида таъкидлаб ўтиладики, Польша Халқ Республикаси Совет ҳукуматининг таклифларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди ва Ғарбнинг, Америка Қўшма Штатларининг ана шу таклифларни қабул қилиши бутун дунёда тинчлик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган герман проблемасини тез ҳал қилишга ёрдам берган бўлур эди, деб ҳисоблайди.

* * *

БОЛГАРИЯ **«Работническо дело» газетаси редакцион мақоласида Н. С. Хрушчевнинг президент Ж. Кеннедига топширган эсдалик хатларида баён қилинган Совет ҳукуматининг таклифларини батамом қувватлаётганини билдиради.**

Газета Германия билан сулҳ шартномаси тузиш зарурлигини таъкидлаб ўтади, чунки бу масала болгар халқининг миллий хавфсизлигига ҳам бевосита тааллуқлидир. Мана шунинг учун ҳам, деб ёзади газета, Совет Иттифоқининг агарда АҚШ тушунишни истамаса ва Германия билан сулҳ шартномасини имзоламаса, у вақтда бу шартномани имзолашга тайёр бўлган мамлакатлар томонидан АҚШнинг иштирокисиз имзолайверади, деган қарорини болгар халқи тамомила адолатли қарор деб ҳисоблайди.

* * *

ГДР **Германия Демократик Республикасининг жамоатчилиги Совет ҳукуматининг эсдалик хатларига барча софдил немисларнинг адолатли талабларига мос тушадиган конструктив программа, деб баҳо бермоқда.**

Германия Демократик Республикасининг матбуоти Совет ҳукуматининг эсдалик хатларига катта эътибор бермоқда. «Нейес Дейчланд» газетаси ҳозирги вақтда сулҳ шартномасини тузишни чўзиб юбориш ярамайди ва Аденауэр режими тайёрлаётган атом урушининг вужудга келишига тўсқинлик қилиш зарур, деб таъкидлаб ўтади. Бу уруш бошланиб кетган пайтда бирон чора кўриш анча кеч бўлади. Шу сабабли сулҳ шартномаси сира кечиктириб бўлмайдиган ишдир, деб уқтиради «Нейес Дейчланд» газетаси.

* * *

АМЕРИКА **«Нью-Йорк таймс» газетаси эсдалик хатларининг тўлиқ текстларини эълон қилди. «Нью-Йорк таймс» ва «Нью-Йорк геральд трибюн» газеталари ана шу хатларга бағишлаб редакцион мақола босиб чиқардилар.**

Шуниси характерлики, АҚШ да кўпчилик газеталар бу ҳужжатларнинг батафсил ўрганилишини кутиб турмасдан шу ҳужжатлардаги, таклифларга қарши фикр билдирдилар. Герман масаласи юзасидан Совет ҳукуматининг эсдалик хати АҚШ да айниқса норозилик туғдирмоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетаси «АҚШ шартнома тўғрисидаги совет таклифини рад этади» деган сарлавҳа остида биринчи бетда Бонндаги ўз мухбири Груссонинг ахборотини босиб чиқарди. Ахборотда бундай дейилади: «Давлат секретари Дин Раск Шимолий атлантика шартномаси кенгашида нутқ сўзлаб, Қўшма Штатлар Совет Иттифоқининг Германияга ва Берлинга доир эсдалик хатини Германия тўғрисида бўладиган янги музокаралар учун асос тариқасида қабул қила олмайди, деди...

Раск жаноблари Кеннеди ҳукуматининг позициясини 5 июнь якшанба куни Парижда Ғарбдаги иттифоқчиларига баён қилиб берди, бунда у президентнинг бош министр Хрушчев билан Венада бўлиб ўтган учрашуви тўғрисида доклад қилган эди».

Раскнинг ўзи Вашингтон аэродромида Италия бош министри Фанфанини кутиб олар экан, 11 июнь куни кечқурун мухбирларнинг саволларига жавоб бера туриб, Совет Иттифоқининг Берлин тўғрисидаги янги меморандумига АҚШ «бир қарашда афтидан» рози бўлмаса керак, деди.

СУКАРНО ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 13 июнь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг Раиси Лю Шао-цининг таклифига мувофиқ, Индонезия Республикасининг Президенти ва Бош министри доктор Сукарно бугун Пекинга келди.

Грецияда Манолис Глезос ва бошқа грек ватанпарварларини озод қилиш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Яқинда Афинада сиёсий маҳбусларнинг қариндош-уруғлари қамоққа ташланган ёру-биродарларини озод қилишни талаб қилиб, бош министр Караманлис канцеляриясн олдида намойиш ўтказдилар. Тинч намойишчиларга қарши полициячилар ташланди. Улар намойиш қатнашчиларини аямай калтакладилар. Жумладан, Глезоснинг хотини Тасия Глезос ҳам калтакланди. Полициянинг бу ваҳшийлиги жаҳон жамоатчилиги ва грек халқининг ғазабини қўзғатди.

Суратда: полициячилар хотин-қизларни бош министр канцеляриясн биноси олдидан четга суриб чиқармоқдалар.

(ТАСС фотохроникаси).

ЧЕТ ЭЛ ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

⊙ Мўғулистонда қўкламги экиш муваффақиятли тугалланмоқда. Республикада ҳозиргача 336 минг гектар ерга, яъни планда кўзда тутилган майдоннинг 91,7 процентига экин экилди.

⊙ Исроил — СССР дўстлиги ҳаракати ташкилотининг таклифига мувофиқ, совет артистлари — пианиночи Лев Власенко, скрипкачи Михаил Вайман ва аккомпаниатор Марина Карандашева Исроилга келдилар.

⊙ Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Давлат кенгаши раиси Шандор Ронаи бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикасининг парламент делегацияси Берлинга келди.

⊙ Болгария телеграф агентлигининг хабар қилишича, Болгария билан Афғонистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида иккала мамлакатнинг ҳукуматлари дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳамда элчи даражасидаги дипломатик вакиллар айирбошлашишга қарор қилдилар.

⊙ Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумат делегацияси дўстлик визити билан Пекинга келди.

⊙ Жанубий Корея маъмурлари Тэчжонда «Сеул Синмун» газетасининг мухбирини ва бошқа икки мухбирни қамоққа олдилар. Бир информация агентлигининг директори, тўртта бошқа журналист, шу жумладан «Тон'а Ильбо» газетасининг собиқ мухбири ҳам қамоққа олинган.

ҲИНДИСТОНЛИК АЗИЗ МЕҲМОНЛАР

Кеча эрталаб Деҳлидан Тошкентга машҳур ҳинд ёзувчиси Гурбахш Сингх билан унинг ўғли атоқли ёзувчи Навтеж Сингх учиб келдилар. Уларни Ғафур Ғулом, Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Сергей Бородин, Зулфия, Ҳамид Ғулом ўртоқлар кутиб олдилар.

Ғафур Ғулом меҳмонларга мурожаат қилиб, Ҳиндистон билан Совет халқларининг дўстлиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани, совет ёзувчилари, санъаткорлари кўп марта Ҳиндистонга сафар қилиб, катта тэассуротлар билан қайтаётганликлари ва шу дўстликни куйлаётганликларини гапирди.

Гурбахш Сингх, Навтеж Сингх республикамизда бир қанча вақт бўлиб, халқимиз ҳаёти, санъат-адабиётимиз билан танишади.

Суратда: Гурбахш СИНГХ, Навтеж СИНГХ ўзбек ёзувчилари билан бирга.

И. Глауберзон фотоси.

БЕЛИНСКИЙ ХОТИРАСИ

Буюк рус танқидчиси ва революцион демократи Виссарион Григорьевич Белинский туғилган кунининг 150 йиллигини Ўзбекистон олимлари кенг нишонладилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бу кунга бағишлаб юбилей илмий сессияси ўтказилди. Сессияда академиянинг ва В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг олимлари қатнашдилар.

Тил ва адабиёт институтининг директори А. Қаюмов кириш нутқи сўзлаб, конференцияни очди. Филология фанлари доктори Г. П. Владимиров «Белинский ва ўзбек адабиёти». Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими М. П. Протасова «Белинский «Евгений Онегин» тўғрисида». Институтнинг илмий ходими Ф. К. Сулаймонова «XIX асрдаги Ғарб адабиётига Белинскийнинг берган баҳоси», философия фанлари кандидати С. Шермуҳамедов «Белинскийнинг фалсафий қарашлари» деган темаларда доклад қилдилар.

Р. ХАЛИЛОВА.

КАНАДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРИ

СССР Студентлар кенгашининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Канада университетлари студентлари миллий федерациясининг президенти Брус Росон бошчилигидаги ана шу федерация делегацияси бир неча кундан буён Ўзбекистон пойтахтида бўлди. Меҳмонлар республикада олий таълимнинг қўйилиши, студентларнинг ҳаёти билан танишдилар.

12 июнда делегация Москвага жўнаб кетди. Брус Росон жўнаб кетиш олдидан берган баёнотида, Ўзбекистонга қилган сафари «гоят фойдали» бўлганлигини таъкидлаб ўтди. Республикада олий таълимни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилаётгани бизда катта таассурот қолдирди, деди делегация бошлиғи. Республикада бўлган вақтимизда, деди у, ўзбек ёшлари билан кўпгина дўстона алоқалар ўрнатдик. (ЎзТАГ)

«ПАХТАКОР» «ДИНАМО» (МОСКВА) БИЛАН УЧРАШДИ

12 июнда Москвада «Динамо» (Москва) — «Пахтакор» футбол командалари учрашдилар.

Динамочилар матчнинг дастлабки минутларидан бошлаб Красницкийни қаттиқ таъқиб остига олдилар. Бирданига икки ҳимоячи доимо унинг кетида юрди.

Ўйиннинг 12-минутида тошкентлик футболчилар динамочиларнинг дарвозаси ёнида тўпни бериб қўйдилар. Тўп ўнг қанотдаги Урина берилди. Урин тез олдинга ўтиб, тўпни чап қанотдаги ўйинчи Фадеевга узатди. Фадеев тўпни беш метр масофадан бошбилан уриб, дарвозага киритди.

Ўйиннинг иккинчи ярми меҳмонларнинг ҳужумлари билан бошланди. 10 минут ўтгандан кейин худди ўйиннинг биринчи ярмидагидек гол вазияти «Динамо» дарвозаси ёнида ҳам такрорланди. Красницкий Беляков узатган тўпни бошбилан уриб дарвозага киритди ва ҳисобни тенглаштирди.

7 минут ўтди. Динамочилар яна олдинга чиқдилар. Николаев ўрнига кирган Жердев ўзига узатилган тўпдан жуда яхши фойдаланди ва дарвозага киритди.

Бироқ бу натижа узоқ сақланиб қолмади. Бутун ўйинни яхши олиб борган Беляков «Динамо» дарвозасига ёриб киришга ва жавоб тўпини киритишга эришди.

Шундай қилиб, ўйин 2:2 ҳисоби билан дуранг бўлди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАЧОНГАЧА САРСОН ҚИЛАДИ?

Гурлан район матлубот жамияти 1960 йилда мени Тошкентдаги хотин-қизлар кооператив техникумига ўқишга юборди. Оиламдагилар ҳам, ўзим ҳам ўқишга боришдан беҳад хурсанд бўлдик. Бу йил эмизикли болам борлиги учун ўқишдан қайтиб келдим. Район матлубот жамияти мени Куйбишев номли колхоздаги галла магазинига мудир қилиб тайинлади. Ҳали ишга киришганимча йўқ эди, Хоразм область матлубот жамияти кадрлар бўлимининг мудири Ўртоқ Мадраҳимова мени райондаги 23-магазинга мудир бўлишимни айтди ва район матлубот жамиятига кўрсатма берди. Бу воқеа шу йил март ойида бўлган эди. Ўшандан бери мени Гурлан район матлубот жамиятининг раиси Ўртоқ Маҳмудова сарсон қилади.

Бугун келсам у киши йўқ. Эрта келсам вақтим йўқ деб қабул қилмайди.

Маҳмудова мени ишга қабул қиладими ёки сарсон қилаверадими?

Гулора РАЖАБОВА,
Гурлан район, Багадан қишлоқ Советидаги Куйбишев номли колхоз.

ҲОДИСА

СОХТА ПУЛ БИЛАН...

Қирқ ёшлар чамасидаги бақувват одам ҳалол меҳнатдан қочди. Унинг бутун фикр-зикри — ишламай-тишлаш, харомхўрлик билан кун кечириш бўлди. У, қаллоблиги, хиёнатчилиги билан неча бор қамалган бўлса ҳам тавбасига таянмади. Яна ўша фирибгарлик, яна жиноят...

Бу сафар Владислав Михайлович Янковский қўп ўйлаб ўтирмади-да, уйида крест ясашга киришди. Бир неча кун бозорга крест чиқариб, диндорларга пуллаб юрди. Кейинча «товари»га шаҳарда харидор топиш қийин бўлиб, бу «касб»дан воз кечди. Эзди Янковский огир жиноят йўлига — сохта пул ясаб халқни, давлатни алдаш йўлига ўтди. У. Ленин районидаги 2-поликлиниканинг тиш техниги Р. Бобожоновдан гипс, маиший-хўжалик буюмларини ремонт қилувчи В. Н. Мозгиндан маъдан сотиб олиб, уйида янги 50 тийин ва 1 сўмлик тангаларни ясай бошлади.

У, сохта пулларни жуда эҳтиётлик билан бозорга чиқарди. Лекин, у бу жиноий ишини узоқ давом эттира олмади. Совет милицияси органларининг ҳушёрлиги билан Янковский фош этилди. Ўзи ясаган сохта тангага Тошкентнинг госпитал бозорида М. Тўлагановдан резавор сотиб олиб турганида қўлга тушди.

Янковскийнинг уйи тинтув қилинганда сохта танга ясайдиган асбоблар ва сохта тангалар топилди. Қаллоб қамоққа олинди.

Ҳ. НОСИРОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Семинар бугун эрталаб соат 10 да Округ Офицерлар уйи биносида очилади. Кириш — Энгельс кўчасидан.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/VI да премьера **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 14/VI да **Гамлет.** 15/VI да **Алишер Навоий.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Алёшанинг севгиси — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Довюрак — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Асфальт тугаган жойда — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Олий принцип — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Репетиция давом этмоқда — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Машъум саёзлик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Воқислар — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 11 да).

Асфальт тугаган жойда — «ВАТАН» (кеч соат 9 ва 10 яримда), НАВОИЙ номли, «ҲЕВА» (кеч 9 ва 11 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8-50 ва 10-40 минутда).

Репетиция давом этмоқда — «ШУҲРАТ» (кеч соат 9 ва 10 яримда), КАФАНОВ номли (кеч 11 да).

Олий принцип — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 11 да).

Алёшанинг севгиси — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10-50 минутда), ПУШКИН номли (кеч 8-50 ва 10-45 минутда), «РАКЕТА», «УДАРНИК» (кеч 9 ва 11 да), КАФАНОВ номли (кеч 9-10 минутда).

Қора денгиз қизи — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9 да).

Ҳаёт остонасида — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Евдокия — «САЛЮТ» (кеч соат 9 ва 11 да).

Довюрак — «ШАРҚ» (кеч соат 9-10 ва 11 да).

Машъум саёзлик — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 11 да).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ИЮНДА

19.00 — **Мактаб ўқувчилари практикада** (рус тилида). 19.25 — **Болаларнинг ёзги дам олиши ҳақида** (ота-оналар учун суҳбат). 19.35 — **Телевизион янгиликлар.** 19.55 — **Ёш ижрочилар концерти.** 20.25 — **Зарпечатки йўқотинг** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 20.35 — **Озам қони сув эмас** номли бадиий фильм (ўзбек тилида). 22.00 — **Концерт** (Мактабгача тарбия педбилим юрти болиш ҳаваскорлари ижросида).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

14 июнда

С. Бобоев музикаси

ҲАМЗА

3 парда, 7 куринишли опера. СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова,** СССР халқ артисти **Саодат Қобилова** ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров** қатнашади.

Спектакль кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1961 йил 24 июнь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети юридик факультетининг илмий совети мажлисида (Шайхантаҳур проезд, 10-уй, 44-аудитория)

Ш. Розиқов

юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Тожикистонда судчини совет давлати органи сифатида ташкил топиши» деган темада

диссертация ёқлайди.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

САМОЛЁТЛАР

ёзги жадвал бўйича

ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

«ТУ-104» самолётлари Тошкент аэропортидан Минеральные воды ва Куйбишевга «АН-10» самолётлари эса Иркутскка учади.

Тошкентдан Москва Ленинград Тбилиси Адлер, Симферополь Свердловск Новосибирскка ҳамда Совет Иттифоқининг ва иттифоқчи республикаларнинг марказий шаҳарларига реактив самолётларнинг қатнаши анча оширилди.

Ўзбекистон ССР нинг область ва район марказларига қатнайдиган самолётлар сони ҳам кўпайтирилди.

Шаҳар агентликларида самолётларга билетлар олдиндан сотилмоқда.

28-442, 32-400, 32-040, 59-941-телефонлар орқали мурожаат қилинсин.

Граждан ҳаво флоти аэропортининг агентлиги.

Махсуслаштирилган «Ўзэлектромонтаж» трестининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

турли диаметрдаги

ТРУБКАЛАР СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Педагогик кўча, 73-уй. Телефон — 50-256.

Тошкент тўқимачилик институти

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ I-КУРСИГА

(пахтани дастлабки ишлаш, тикувчилик технологияси, тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари, тўқимачилик саноати корхоналарининг экономикаси ва ташкил қилиш, толали материалларнинг кимёвий технологияси сунъий тола технологияси ихтисосларига)

СТУДЕНТЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 6 йил.

Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга кирувчилар: математикадан (ёзма ва оғзаки), физикадан (оғзаки), она тили ва адабиётидан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Кимё-технологияга ихтисосларига кирувчилар: математикадан (оғзаки), физикадан (оғзаки), кимёдан (оғзаки), она тили ва адабиётидан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Ўрта маълумотли ҳамма ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Танланган ихтисоси кўрсатилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, кейинги иш жойидан характеристика-тавсия, таржимаи ҳол, меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма, 286-форма медицина справкаси, 4 та фотокарточка, турар жойдан справка.

Адрес: Тошкент шаҳар, 2-Выборг кўчаси, 5-уй, қабул комиссияси. Телефон—59-262.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ

Республика қизлар педбилим юрти

1961/62 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат қизларидан рус тилини ўқитиш ҳуқуқига эга бўлган ўрта маълумотли ўқитувчилар тайёрлайди.

Билим юртига 7 ва 10-синфни тамомлаган 25 ёшгача бўлган хотин-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар умумий тартибда стипендия, текин овқат ва ётоқ билан таъминланади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

7-синфни тамомлаганлар: она тилидан (ёзма-диктант ва оғзаки), рус тилидан (оғзаки), математикадан (оғзаки), 10-синфни тамомлаганлар: ўзбек адабиётидан (ёзма), арифметикадан (оғзаки), рус тилидан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Билим юртига кирувчилар директор номига ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатлар билан тақдим қиладилар: характеристика, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестатнинг асл нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажи борлар учун), таржимаи ҳол, 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, соғлиги ҳақида 286-форма справка, турар жойдан справка.

Адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, Ўқчи кўча, 123-уй. Телефон — 41-023, 41-485.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

Тошкент гидромелиорация техникуми

1961/62 ўқув йили учун I-курсга

УҚУВЧИПАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати: 7, 8, 9-синфни тамомлаган кишилар учун—4 йилу 4 ой, 10, 11-синфни тамомлаганлар учун—2 йилу 10 ой.

Техникум: **гидротехник техниклар ва механик техниклар тайёрлайди.**

Аризалар ҳозиргача 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Тегирмон ва нон пиширш саноатида ишлаб турган, 7, 8, 9-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар учун сиртқи бўлим бор. Ўқиш муддати—5 йил.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Сельмаш проезд, 15-уй.

Тошкент тегирмон-элеватор техникуми

1961/62 ўқув йилига

ўқувчилар

қабул қилади

Ўқиш муддати: 10-синф ҳажмидаги маълумот билан—2 йилу 10 ой, 7, 8, 9-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун—4 йилу 5 ой.

Техникум: **ун-крупа ва комбинацияштирилган ем-хашак ишлаб чиқаришга доир технолог техниклар, донни ва дон маҳсулотларини сақлашга доир технолог-техниклар тайёрлайди.**

Аризалар ҳозиргача 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Тегирмон ва нон пиширш саноатида ишлаб турган, 7, 8, 9-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар учун сиртқи бўлим бор. Ўқиш муддати—5 йил.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Сельмаш проезд, 15-уй.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469, Пропаганда — 34780, Саноат ва транспорт — 27604 Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 31226 Адабиет ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 33469. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455., Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси,

Р 01629 Нашр. 6. 137.